



Jadid

adabiy, ilmiy-ma'rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta



@Jadidrasmiy



@Jadidmediauz



@Jadidrasmiy



@Jadid_uz

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ҚУРБОН ҲАЙИТИ ТАБРИГИ

Мухтарам ватандошлар!

Сиз, азизларни, юртимиздаги барча мўмин-мусулмонлар, бутун халқимизни бугунги улуғ айём – муборак Қурбон ҳайити билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Тинчлик, меҳр-оқибат ва саховат байрами – Ийд ал-Адҳа муқаддас динимиз моҳиятида мужассам бўлган эзгу ғоя ва амалларни яққол ифода этган ҳолда, ҳозирги кунда мамлакатимизда инсон-парварлик руҳида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларимизнинг маъно-мазмунига уйғун ва ҳамоҳанг экани билан барчамиз учун янада азиз ва қадрли бўлиб бормоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, кўп миллатли юртимизда осойишталик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, ёрдамга муҳтож инсонлар, муҳтарам нуронийлар, хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш, маҳалла ва хонадонларни обод қилишга қаратилган ишларимизда Қурбон ҳайитининг эзгу аънаналари куч-ғайрат ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлаш лозим.

Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг қадимий тарихи ва бой маданий қадриятларини, буюк аллома ва мутафаккирларимизнинг илмий-маърифий меросини, ислом динининг асл моҳиятини ўрганиш ва тарғиб этиш борасидаги ишларимиз янги босқичга кўтарилмоқда. Буни яқинда халқимиз ва юртимиз меҳмонлари

учун ўз эшиklarини очган азим пойтахтимиздаги Ислоҳ цивилизацияси маркази, Самарқанддаги Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси, Марғилон шаҳридаги Бурҳониддин Марғинович илмий-маърифий ва туризм мажмуаси каби Янги Ўзбекистон мўъжизалари бўлган ноёб обидалар мисолида яққол кўриш мумкин.

Ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги муҳим тарихий қадамлар бўлиб, улар бизни янада катта сафарбарлик билан ҳаракат қилишга даъват этади.

Хурматли дўстлар!

Юртимизда диний эътиқод эркинлигини таъминлаш учун яратиб берилаётган қўлай шароитлар туфайли ушбу мунаввар кунларда 15 мингдан зиёд ватандошларимиз муқаддас Ҳаж амалларини адо этмоқда. Бу йил тарихимизда илк марта “Президент ҳожилари” дастури жорий этилганидан хабарингиз бор. Ушбу дастурга мувофиқ, эл-юртимизга сидқидилдан хизмат қилган 100 нафар юртдошимиз – уламолар, нуронийлар, маҳалла фахрийлари ҳамда уларнинг оила аъзолари муборак Ҳаж сафарига бориш имкониятига эга бўлдилар.

Мана шу саодатли онларда барча ҳожиларимизни Қурбон ҳайити билан кўлаб, ибодатлари қабул бўлишини Аллоҳ таолодан сўраб қоламиз. Муқаддас зиёратдан қайтиб келаётган бу ҳурматли юртдошларимиз эзгулик ва маърифат

тарғиботчилари сифатида оила ва маҳаллаларимизда, бутун жамиятимизда олиб бориладиган маънавий-тарбиявий ишларда фаол иштирок этадилар, деб умид қиламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, дунёнинг турли мамлакатларидаги мусулмон дўстларимиз ва ҳамкорларимизга ҳам қизгин кутловларимизни йўллаб, уларга тинчлик, равнақ ва фаровонлик тилаб қоламиз.

Азиз ватандошлар!

Қурбон ҳайити муносабати билан бу йил ҳам бир неча кундан иборат дам олиш кунлари белгиланди. Байрам кунларида ҳам элимиз хизматида, Ватан сарҳадларида ўз вазифасини масъулият билан адо этаётган юртдошларимизга алоҳида миннатдорлик билдираемиз.

Чет элларда таҳсил олаётган ва ишлаётган ватандошларимизни ҳам самимий табриклаб, уларнинг барчасига эзгу тилақларимизни изҳор этаемиз.

Эл-юртимизни шундай қўллуғ айёмга тинчлик-омонликда ва ҳамжиҳатликда етказгани учун Аллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин!

Илоҳим, Яратган парвардигор эл-юртимизни ўз паноҳида асрасин!

Қурбон ҳайити барчамизга муборак бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ФАКТ


Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев сув фонди ерлари ҳамда сел сувларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чоратадбирлари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Марказий банкнинг 2026 йил 1 чорак бўйича пул-кредит сиёсати шарҳида қайд этилишича, ялли ички маҳсулотнинг реал ўсиши 8,7 фоизни ташкил этган.

2025-2026 ўқув йилида барча умумтаълим мактабларини 472 минг нафар ўқувчи таълимга, уларнинг 11 минг нафардан зиёди олтин ва кумуш медалга лойиқ қўрилган.

Мўғулистоннинг Улан-Батор шаҳрида паратаэквондо бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида мамлакатимизнинг матонатли спортчилари 2 та олтин, 5 та кумуш ва 6 та бронза медалини қўлга киритди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ



ЮРТ ҚАЙҒУСИДА КЕЧАЁТГАН КУНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Оммавий ахборот воситалари учун контент тайёрлаш марказида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2025 йилдаги сермаҳсул фаолияти акс этган “Юрт қайғусида 365 кун” номли китоб тақдироти бағишланган адабий тадбир ташкил этилди.

(Давоми 2-саҳифада) ➔

ТААССУРОТ

МАЪНИЛАР МАХЗАНИ



MILLIY KITOBXONLIK HARAKATI

2026 йилнинг 22 май куни муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Миллий китобхонлик ҳаракати”га йўлланма бериб, муҳташам маънавий ҳаракатга оқ йўл тилади.

Баланд ва ҳашаматли биноларни моҳир усталар қуради; тирик одамлар яшнатади. Айни дамда бундай уйларга олимлар, оқиллар, донишмандлар ва уларнинг китоблари нур олиб қиради.

“Миллий китобхонлик ҳаракати”га доир бу тарихий ҳужжатга кўра китоб ўқийдиганлар сони тубдан кўпайиши табиий. Чунки бу ҳаракатда китоб ўқувчилари учун моддий манфаат ҳам кўзда тутилади. Ҳаракат учун умумий ҳисобда 240 минг доллар ажратилади.

Бош соврин соҳиби 50 минг доллар билан тақдирланади. Қўшимча равишда ушбу ҳаракатнинг “Энг фаол ўқитувчи”, “Энг китобхон мактаб”, “Энг китобхон оила” ва эътиборга молик бошқа жиҳатлари ҳам алоҳида тақдирланади.

(Давоми 2-саҳифада) ➔

МУЛОҲАЗА


ТАВАЛЛУД КУНЛАРИ ЎТДИ...

Чорак аср аввал Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасида ишлар эдим. Бир куни Беларуссия элчиси телефон қилиб, “Биз мамлакатингиз бош маърифатхонаси бўлган Миллий кутубхонанинг катта залида улуғ шоирларимиз Янка Купала билан Якуб Колас юбилейини нишонламоқчи эдик”, деб қолди.

Албатта, бу илтимос ўринлатилди. “Бирон ўзбек адабиётшуноси ҳам қатнашса”, деган сўровни ерда қолдирмай, таниқли олим Лазиз Қаюмовдан шу анжуманда бир маъруза билан чиқиши-

(Давоми 4-саҳифада) ➔

ВАТАН МАНЗУМАСИ



Розиман, ризоман, ўла-ўлғунча
Халқим деб ўлдим.
Халқим нима бўлса, мен ўша бўлдим,
Юрагим, бўғилма, уртанма бунча!

Ўзимга хиёнат қилдим у аксар,
Халқимга хиёнат ўйлаганим йўқ.
Менинг юрагимни тешиб ўтдилар
Халқимга отилган талай-талай ўқ.

Қанча йўллар босдим, гоҳида толдим,
Лекин халқ номига юқтирмадим гард.
Фарёд солар чоғда жим бўла олдим,
Халқим дарди эди дил ўртаган дард.

Халқим этагида етдим вояга,
Халқ билан кулдим.
Бардошим сўз бермас, дейман, қояга...
Розиман, ўлғунча халқим деб ўлдим...

МИРТЕМИР

2026 ЙИЛ - МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ



“Дўстлик” ордени соҳиби Мухтор ИЛҲОМОВ билан Тошкент шаҳридаги “Учтепа” маҳалласи кўчаларида кечган гурун

ИШОНЧ КЎЧАСИ
Ассалому алайкум! Маҳалламизга хуш келибсиз! 27 йилдан буён шу маҳалла фуқаролар йиғини раисиман. Сайланадиган лавозимга қайта-қайта лойиқ кўрилишимга ҳамкасбларим ҳам ҳавас, ҳам ҳайрат билан қарайди. Бунинг сири бор-йўқлигига қизиқади. Биласизми, маҳалла раислиги амал эмас, халққа хизматкорлик. Қамида тўрт-беш оиланинг оғирини енгил қилмасам, фуқаролар мурожаатларига ечим топмасам, ёшлар билан мулоқот қилмасам, ўша кунни яшалмаган кун, деб ҳисоблайман. Бунга идоранинг ички ишларини ҳам қўшамиз.

(Давоми 3-саҳифада) ➔

ОГОҲЛИК

МАНФААТПАРАСТЛИК ЭПИДЕМИЯСИ

ЖАМИЯТНИ ЕМИРУВЧИ ХАТАР
Аввал бирга ишлашган собиқ ҳамкасбим билан учрашиб қолдик. Ҳол-аҳвол сўрашиб, ўтган-кетгандан гаплашдик. Суҳбат айланиб, хорижий тажриба ҳақидаги гапларга уланди.
– Яқинда хорижий ахборот марказларининг тажрибасини ўрганиб, амалиётга жорий қилишни бошладик, – дедим.
– Зўр-ку, – деди у. – Ҳўш, бундан сизга нима наф?

Бу саволдан қутилаётган муддаони яхши англамай, ажабландим.
– Маошингиз ошадими? Унвон оласизми? Карьера қиласизми? – деди суҳбатдошим луқмасига аниқлик киритиб.
– Унисини билмайман, – дедим. – Лекин ишлар самарали бўлса, кўпчиликка фойда беради.

(Давоми 5-саҳифада) ➔



Бошланиши 1-саҳифада.

Мазкур китоб мазмун-моҳияти, унинг чоп этилиши зарурати тўхталишдан олдин бир жиҳатга эътиборингизни қаратмоқчиман. Дошишман халқимизда **виждонан қилинган меҳнатдан – нажот, адолатдан – ютуқ ва зафар ҳосил бўлади**, деган пурмаъно нақл бор. Ҳақ гап. Буни Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида халқимиз орзу қилган Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ниҳоятда кенг кўламли тарихий ислохотларнинг мамлакатимиз тараққиётидаги самаралари мисолида ҳам кўриб, ҳар биримиз ўз ҳаётимизда ҳис қилиб турибмиз.

Энг муҳими, бу ислохотлар йилдан йилга жадаллашиб, ортага қайтмас тус олди. Олдимизда эса гоё улкан мақсад ва вазифалар, машаққатли марралар турибди. Бундай муҳим лаллада ҳар бир кун, ҳар бир йил, ўтаётган ҳар бир фурсат фанимат. Шу маънода, 2025 йил Янги Ўзбекистонимиз ўз тараққиётининг ҳал қилувчи босқичига қадам



Салим ДОНИЁРОВ,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган журналист

Умуман, 2025 йил Ўзбекистон учун шунчаки навбатдаги тақвим йили эмас, балки мана шундай салмоқли, тарихий натижалар билан бир қаторда, “Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасидаги ислохотларнинг **миқдордан сифатга ўтиш даври** бўлди.

Бунда муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг фидокорлиги, Янги Ўзбекистон тинчлиги ва тараққиёти, халқимиз фаровонлиги йўлида тиним билмаслиги, юрт

МАЪНИЛАР МАХЗАНИ

Бошланиши 1-саҳифада.

“Миллий китобхонлик ҳаракати” мамлакатнинг барча ҳудудларини қамраб олади. Унда умумтаълим мактабларининг 1-синфдан 11-синфгача бўлган ўқувчилари иштирок этиши мумкин. Бундай ҳаракатлар ижросида Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ходимлари, жамиятнинг зиёли қатлами, олимлар, муаллимлар, адиблар, кутубхоначилар беқийс хизмат қилади.

Яхши китоб – маъналар маҳзани. Яхши китоб ёлғиз одамга энг ишончли ҳамроҳ, беиннат дўст; насиҳатга зарурати бўлган кишига энг доно маслаҳатгўй...

Ҳақиқат тинимлиги айланган яхши китоблар, одамнинг тафаккур оламига маънавий-руҳий озуқа берадиган бебаҳо битиклар тарихий давр синовларидан ўтади. Табиийки, бундай умрбоқий асарларни бир кунда ёки бир ўтиришда ёзиш қийин. Қолаверса, асрлардан асрларга ўтадиган, дунё аҳлини ўз ҳақиқатлари билан мафтун этадиган китобларни ёзиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келмайди. Қозон тирилтириш, китобга руҳ ва жон бахш этиш – истеъдод эгаларининг, чинакам олимларнинг, қалби тоза адибларнинг қисмати.

2

Дарвоқе, китоб ўқиганларнинг ҳаммаси ҳам оқил ва доно, фаросатли ва маслаҳатгўй бўладими? Кўп китоб ўқиб билан мактабни кибрга кетиш, ўзини бошқалардан баланд тутиш маданиятданими? Юзлаб, минглаб китобларни ўқиб ўқмаганлар, ҳаёт тарзига, ахлоқига, виждонига, йимонига татбиқ этмаганлар борлигидан кўз юмиш ҳақиқат юзига тескари боқибди. Китобдан олинган баҳра “оқ-оқ” ва “ўқ-ўқ”ларсиз, кўз-кўз қилинмасдан ичкарини тазалаш, ичкарини нурлантириш учун йўналтирилгани маъқул иш. Оддий деҳқоннинг бошқоқдан пиёзлари ёки чўпоннинг қўйлари билан қилган “сўхбатлари” – ҳаёт китобининг олтин саҳифалари саналади. Юзлаб ҳикматли китоблар ўқиган олимнинг яқинлари – ота-онаси, фарзандлари, жуфти ҳалоли, қариндош-уруғи, дўстлари кўнглига етказган чигитдай озори йимони тоза одамни ўқитади. Ўқиган муқаддас китобига амалсиз кимсаннинг маҳсус тайёрлагани, давралар тўрида “доно”лиги билан одамларни лол қолдириш ниетида ёлғон-яшиқни ўзидан қўшиб булбулигўё бўлганидан кўра, гўё умрида бирор китобни кўлга ушлаб кўрмагандек, ҳеч нарса ўқимагандек жим ўтириб, сукут сақлаш минг бора яхши. Аълодир...

Инсон ҳаётига татбиқ қилинган фойдалар, ҳикматли китобларнинг умри ҳар кунни узаяди. Ҳаётда дастурга муносиб китоб абадий тирек бўлади. Яшайди.

Китоб кадрини билган олимлардан кўри китоблар дунёсини уммонга ўхшатади. Бу “уммон” бағрига шўнғиб, дуру жавоҳирлар йиғиш, ўзига муносиб йўл топиш, чин дилдан баҳрамандлик бахтига эришиш, табиийки, одамнинг покиза дидга, китобхонлик маданиятига боғлиқ. Аслида, умр бўйи мутулаа қилганда ҳам аниқ бир соҳа йўналишидаги китобларни ўқиб тугатиш қийин бўлади. Лекин маданиятлик китобхон вақтни фанимат билиб, дунё адабиётининг гўзал намуналарини, шоҳ асарларни, албатта, танлаб ўқийди. Тўғриси, бугунги шиддатли замонда турли савияда босилаётган илмий-назарий, тарихий-бадий китоблар ана шундай танлаш эҳтиёжини тақозо этади.

3

“Миллий китобхонлик ҳаракати” хусусида, китобнинг кадр-қиймати ҳақида фикр юритган маҳали ўз мутулааларим тўғрисида юзага келган ҳикматли сўзлар ҳаёлимизда айлана бошлади. Дунёдаги турли тили минглаб, миллионлаб одамлар гўзал ва боқий китоблар тилида дилдан сўхбатлашади. Тўғриси, умрбоқий китоблар ўз муаллифи ва у мансуб миллатни дунёга танитади. Шаҳсан ўзим ўқиб жараёнида “Китоб ўқилмаган кун – яшалмаган умр”, деган ҳикматни топдим ва унга баймкони қадам амал қилиб юрمان. Менимча, яхши китоблар мазмунига муаллифининг покиза қалби, юрак уриши, теган назари ва давр манзараси муҳрланган бўлади. Шу боис яхши китоб ёлғиз одамга энг ишончли ҳамроҳ, беиннат дўст; насиҳат зарурати бўлган кимсага энг доно маслаҳатгўйдир. Тўғри йўлга бошлайдиган китоб ёлғизнинг дўсти, мусофирнинг йўлдоши, фақирнинг бойлиги, беморнинг табибидир...

Аслида мўътабар китоблар одамни одамдан, жамиятни жамиятдан, ҳатто тарихий даврларни ўзаро фарқлашга ёрдам беради. Китоб ўқиб руҳини маърифат булоғидан озикланган одам ҳамма вақт ҳузур-ҳаловат ва хотиржамликда фаолият олиб боради. Президент томонидан бошлаб берилган “Миллий китобхонлик ҳаракати” бугунги маънавий-маданий, адабий-илмий салоҳиятни оширишга, ушбу соҳадаги ташкилий ва ташвиқий ишларни режалар ривожлантиришга ёрдам бериши табиий. Айниқса, мактаб



таълимида туб ўзгаришлар бўлади. Учинчи Ренессанс воқелигига мос қалби бутун кашфиётчилар авлоди майдонга келишидан умдимиз бор.

Болаликдан ўқишга меҳр қўйган ёшлар ўз ҳаёти учун керакли йўл-йўриқни, бир томондан, ота-она ва муаллимларидан, иккинчидан эса, табиийки, соҳага оид адабиётлардан олади. Китобдек табаррук манба ёрдамида касбга ҳам йўналтирилади, билим захираси тўпланади. Китобхонликни кучайтириш масаласи кун тартибига Давлат раҳбари томонидан қўйилгани бежиз эмас. Бунинг негизда китобни билиб танлаш, англаб ўқиш, ўқиб амал қилиш туради.

“Миллий китобхонлик ҳаракати”га ўқувчилар талабидан бўлган энг бебаҳо китобларни кўп адабда, арзон нархларда босиб чиқариш ва оммага етказиш жараёни ҳам тааллуқли, албатта. Шубҳа йўқки, миллатнинг довуғини оламга ёядиган кадрлардан бири умрбоқий китоблардир. Китобдан билим, завқ-шавқ ва баҳра олиш одамнинг ботинини, руҳини тазалайди.

4

Китобхонликни шакллантириш учун оила давраси ва мактабгача таълим муассасалари катта аҳамиятга эга. Уларда телевизор кўриб ўтирган ота-онанинг болаларига китоб ўқи, деб насиҳат қилишлари натижа бермайди. Аввал ота-онанинг ўзи китобхон бўлиши, китоб ўқиб, ундаги айрим эпизодларни гапириб беришлари маърифатли оилани шакллантиради. Болаликда отам бизга “Калила ва Димна”дан парчалар ўқиб, турли ривоятларни айтиб берганларини ҳали-ҳали эслаймиз. Алишер Навоий ва Махтумқулидан ёд айтган шеърларини бугун ҳам ора-сир-сир ёддан такрорлаб юрман. Раҳматли отам муаллим эди. Ҳар кун саҳар кўзимни очган маҳал отамнинг китобга тикилиб ўтирганини, ёзаётганини, ўқувчиларга бериладиган навбатдаги сабоқ учун тайёрланаётганини кўра эдим. Бизда китобга меҳр-муҳаббат шундан пайдо бўлгандай балки.

Бугун китоб ўқийётган кўра ёзадиганлар кўпайиб кетди. Айрим графоманлардан ўқиган асарлари суриштирилса, ўзларининг ўқувчи эмас, балки ёзувчи эканини ҳазил қилиб бўлса ҳам ошқора айтишади. Одамнинг қандай китобларни ўқиши ва ёзишига қараб, унинг кимлиги ҳамда дунёқарашига баҳо бериш ҳам мумкин. Болалик, ёшлик даврида кўп ўқиганларнинг сўз бойлиги ортади, фикрини аниқ ва лўнда ифода қилади. Шунингдек, бадий асарлардан парчалар ёд олиш ҳам ақлни чарқлайди; адабий-эстетик дид тарбияси учун катта фойда келтиради. “Ёш китобхон”, “Ёш китобхон оила”, “Жадидлар изидан” каби Республика миқёсидаги маърифий танловларда ҳакам сифатида қатнашиб, шундай табиатли ёшларнинг йил-йилдан тарбия топиб бораётганига шахсан ўзим гувоҳман.

Бу танловда қатнашадиган ёшлар шурида адолатга, холисликка, очиқ-ойдин баҳс ҳосилаларига тугал ишонч пайдо бўлганидан мамнунман. Чунки китоб оламида фирромлик ва ангишвона ўйинлари, масхарабозлик ва маймулик томошалари ўзини оқламайди. Китоблар олами – жиддий, маърифатли, маданиятли, адолатли, ҳақгўй, иймонли, виждонли, меҳр-мурувватли, мард, ориятли, жасоратли ва шу каби ўнлаб гўзал фазилатларга эга инсонлар ўзаро бир тилда юрак-юракдан гурунглашадиган беғидир, бебаҳо бир гаройиб оламдир. Бу оламга гард юқмасин!

5

Касб тақозосига кўра адабиётшунослик китобларини кўпроқ ўқийман. Улардан олинган янги фикрларни университет талабалари аудиториясига олиб кираман. Демак, илмий-назарий янгиликларни шу соҳа қизиқувчилари билан ўртоқлашаман. Агар уларда ўзим ўқиган китобларга қандайдир қизиқиш уйғота олсам, вазифамни бажарган бўламан. Талабаларим орасида мен тавсия қилган китобларни ўқиб, кейинчалик диссертация ишлашида фойдаланганини кўриб хурсанд бўламан. Билимли, кўп китоб ўқиган зиёлилар ўзига раво кўрган маънавият неъматларини

бошқаларга ҳам илинишлари лозим. Бунинг таъминотида ҳикмат бор. Илмни қизганиш – бахиллик ва жаҳолат саналади. Маърифат талабидидаги ўқувчига китоб ўқишининг энг унумли ва фойдали йўллари ўргатиш лозим. Ўқиган китоблари тўғрисида қисқача маълумотлар ёзиб қўйиш, китоб номи, муаллифи, нашр йили ва бошқа қирраларини маҳсус дафтарга қайд қилиб бориш китобхонлик маданиятининг бир кўринишидир. Архивимда бир замонлар шундай қайлар ёзилган дафтарларим бор. Ўқилган китоб исми йўқолиб кетмаслиги керак. Инсон ҳаётининг қайсида урнида яхши китоб ёрдам беради, албатта.

Китоблар хотираларга боғланиб кетади. Ким менга қандай китоб совға қилган ва ким менга қандай китобни ўқиш учун тавсия қилган. Бу қизик масала.

Ёшлигимда кўп китоб ўқишга ҳаракат қилар эдим. Аммо энг таъсир қилгани – “Робинзон Крузо”, завқ ва кўрқинч аралашиб кетган эди ушунда. Еттинчи синфда ўқиб юрган пайларим “Юлдузли тунар”ни отам совға қилган; шундан бери мен Бобурга ва Бобур менга йўлдош. Тошкентга энди келиб, талаба бўлган давримда “Йиллар армони” китобига Абдулла Ориповдан дастхат олганман.

6

Таассуфки, жуда кўплаб китоблар борки, одамларга фойда бермайди. Аслида ўша китобларни ёзишга ҳам зарурат йўқ эди. Ўқишга умуман эҳтиёж йўқ. Бундай китобларда янги гап, фикр, мулоҳаза, маълумот, ҳатто хабар ҳам анқонинг уруғи. Бу тоифа китоблар аллақандай ҳисоботлар, рўйхатлар, исмлар намоён ва ўзини ўзи овутиш учун ёзилгандек таассурот қолдиради. Ҳақиқий асар, мақола – булар унутилмас муҳр. Давр муҳри, қалб муҳри, юрак муҳри, назар муҳридир. Таассуфки, босилган китоблар гоҳида бир кун ҳам умр кўрмайди. Аммо тинимсиз босилди. Муқоваланади. Дўконларга чиқади. Ёки садақага тарқатилади. Кўпгина китоблар бошқа китоблардан кўчириб олинган кўчирмадан асосида ёзилади. Бундай ясалган китоблар учун илмоқли бир рукн топиб қўйдим: “Кўрганларимдан кўчирганларим”, деб. Айниқса, адабий-танқидий мақола ва китобларда, адабиётшунослик асарларида тушунарсиз тушунчаларни тушунтириш ўрнига тушунарли тушунчалар тинимсиз тушунтирилади. Гоҳида ҳеч қандай сири, бадиияти бўлмаган романлардан тадқиқотлар майдонга келади. Тадиққот эгалари илмий унвонлар олади.

Бир замонлар китобларни ҳарфлаб ўқишган. Кейин сўзма-сўз ўқишган. Бирор сўз қолдириб кетилишига одамнинг кўзи қиймаган. Сўнгра гаплар-жумлалар батафсил ўқилган. Бирор гап ёки жумла қолиб кетса, ўша асарнинг мазмунидан ўқувчи тўла хабардор бўлмаган, албатта. Бундай мантиқий занжир адабий матндаги генетик тўқималарни ўзаро мустаҳкам ушлаб турган. Энди-чи? Бъзъи китобларни варақлаб ўқиш мумкин. Китобларни боблаб, фасллаб ўқиш мумкин ва уларнинг ташлаб кетилган саҳифалари учун одам ачинмайди. Балки бундай китобларнинг аннотацияси ёки тумор ўрнида ёзилган шапалоқдек ўнгсўз ё сўнгсўзини ўқишининг ўзи кифоя қилса керак.

Энг қизиги, айрим китоблар борки, куруқ муқова, ясама шакл, мазмуни муаммо, завқ-шавқ билан ўқий олмайси. Бундай китобларда бемаъни маъни ҳукмронлик қилади. Яхши китоб – кўнгул чироғи. Яхши китоблар воситасида бухорийлар, термизийлар, самарқандийлар, хоразмийлар, фарғонийлар, шошийлар, насафийлар ўлароқ дунёга донг таратган аждодларга муносиб авлод тарбияланади. Миллат довуғини китоблар оламга ёяди. Маърифатталаб зиё аҳлининг дилларини, кўнгулларини бир-бирига мустаҳкам боғлайди.

Шу эътибордан бугун китобларни бутун вужуди билан берилиб мутулаа қиладиган ўқувчи-ёшлар ва уларнинг истиқболига қуюнчак ота-оналар учун “Миллий китобхонлик ҳаракати”нинг кадр-қиймати беқийсдир.

Баҳодир КАРИМ,
филология фанлари доктори,
профессор

ЮРТ ҚАЙҒУСИДА
КЕЧАЁТГАН КУНЛАР

кўйган йил сифатида тарих саҳифаларига муҳрланганини алоҳида таъкидлаш уринли.

Президентимиз таъбири билан айтганда, бу даврга келиб **“биз ислохотларни аниқ амалий натижага айлантиришни ўргандик. Бунинг тасдиғини тобора янги-ча қиёфа касб этиб бораётган шаҳар ва қишлоқларимизда, замонавий корхоналар, савдо-сервис масканлари, мактаб, боғча ва шифохоналар, обод кўча ва маҳаллалар, транспорт-логистика тизими, рақамли хизматлар мисолида яққол кўриш мумкин”**.

Биз нима учун 2025 йилни мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида тарихий йил сифатида эътироф этаёلمиз? Бу саволга жавобни айрим рақамлар мисолида айтиб ўтсак, менимча, мақсадга мувофиқ бўлади.

2025 йил тарихда биринчи марта Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ҳажми 145 миллиард доллардан, олтин-валюта захиралари 60 миллиард доллардан ошди. Экспорт ҳажми 23 фоизга ошди, 33,4 миллиард долларга, иқтисодий тиричиликнинг ҳар бир қилинган хорижий инвестициялар ҳажми эса 43,1 миллиард долларга етди.

2025 йил Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузи ҳамда халқаро рейтинглардаги ўрнини мустаҳкамлашда ҳам алоҳида аҳамиятга эга давр бўлди. Хусусан, етакчи халқаро рейтинг агентликлари мамлакатимизнинг суверен рейтингини “ВВ”-дан “ВВ” погонасига кўтарди. “Бу бизга нима беради?” деган савол кўпчиликка қизиқ, албатта. Биргина ана шу ўзгариш тўғрисида четдан жалб қилинадиган ресурсларнинг фоиз ставкаси 1-1,5 пунктга пасайиб, ташқи қарз ҳаражати йилгига камида 300 миллион долларга камаяди.

Шунингдек, Жаҳон банки эълон қилиб борадиган Давлатларнинг технология етуклик индексида Ўзбекистон 71 поғона юқори кўтарилиб, дунёнинг ТОП-10 та мамлакат қаторидан жой олди.

2025 йилда 5 миллион аҳоли даромадли бўлиши ҳисобига ишсизлик даражаси 5,5 фоиздан 4,9 фоизга тушди. Қарийб 1,5 миллион эҳтиёжманд аҳоли камбағалликдан чиқди, илк бор 1435 та маҳалла “камбағалликдан холи” ҳудудга айланди. Пировардида, камбағаллик даражаси йил бошидаги 8,9 фоиздан 5,8 фоизга тушди.

Албатта, қисқа муддатда бундай натижаларга эришиш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун дунёдаги ижобий ютуқлар ўрганилиб, камбағалликни қисқартириш бўйича **Янги Ўзбекистон модели** яратилди. Халқро жамоатчилик бу моделни эътироф этди.

Утган йили футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси тарихда илк бор Жаҳон чемпионатига йўллангани кўлга киритган, 17 ёшлилар ўртасида Осие чемпионатидидаги ҳис-ҳаяжонларга бой ютуғимиз, шахмат бўйича ўрнатилган рекордлар спорт йўналишида кўлга киритилган ютуқларимиз салмоғидан далолат бериб турибди.

Ўз навбатида, 2025 йил мамлакатимиз учун халқаро миқёсда ҳам самарали мулоқотлар платформаси даври бўлди. Юртимизнинг халқаро нуфузи сезиларли кўтарилиб, дунё нигоҳи Ўзбекистонга қаратилди. Давлат ва ҳукумат раҳбарлари даражасида ўтказилган икки томонлама учрашувларнинг қарийб 60 тага етгани, Ўзбекистоннинг юқори даражадаги делегациялари дунёнинг 93 давлатида хизмат сафаридида бўлгани ёки юртимизда Парламентлараро иттифок, БМТ фуқаролик хизмати, ЮНЕСКО Бош конференцияси, Халқаро иқлим конференцияси каби халқаро йирик анжуманлар ўтказилгани ҳам буни тасдиқлаб турибди.

қайғусида ёниб яшаши, шу билан бирга, барчамизни мана шундай эзгуликка даъват қилиши ҳал қилувчи омил бўлди. Бинобарин, Президентимизнинг ушбу йилдаги фаолияти, жумладан, миллатимиз, давлатимиз тақдирига дохил улкан ютуқлар кўлга киритилгани, 2025 йилнинг мамлакатимиз ва дунё тарихида алоҳида ўрин олгани сабаб, ушбу воқеликни бир тўпламда – **“Юрт қайғусида 365 кун”** номли китобда жамлаш ва кенг жамоатчиликка тақдим этишга қарор қилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2025 йилдаги фаолияти таҳлилга бағишланган ушбу китобда миллий тараққиётимизнинг навбатдаги янги босқичини бошлаб берган ислохотлар таҳлил қилиниб, эришилган тарихий ютуқларимиз санама сана, кунма кун баён этилган.

Китобда Президентимиз фаолиятининг 2025 йилдаги сарҳисоби **ойлар кесимида** талқин қилинган. Ҳар бир ойга бўлинган бобларда давлат дастури ижроси, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, иқтисодий ўсиш суръатлари, йил давомида ишга туширилган янги лойиҳалар, тамал тоши қўйилган йирик объектлар, ҳудудларга ва хорижий давлатларга ташрифлар, хориждаги ватандошлар билан учрашувлар, ҳаёти тубдан ўзгарган оддий одамлар дил изҳорлари, халқро нуфузли тадбирлардаги иштирок тафсилотлари ёритилган. Давлатимиз раҳбари ва мамлакатимизда кечаётган орта қайтмас ислохотларга **халқро ҳамжамият** томонидан билдирилган **ишонч ва эътирофлар** ҳам китобдан жой олган.

Бундан ташқари, китобдан Президентимизнинг Марказий Осие давлатлари ҳамжиҳатлигини юксалтириш орқали глобал сиёсий-иқтисодий жараёнларда янада жозиба ва кучли минтақага айлантириш, минтақа давлатлари ўртасидаги бахсли чегара масалаларини узил-кесил ҳал этиш борасидаги ташаббуслари ўрин олган. Дунёда кечаётган қурулми тўқнашувлар, ўзаро қарама-қаршиликлари тинч, ўзаро дипломатик йўллар орқали ҳал этиш, глобал иқлим инқирозига қарши курашда кучларни бирлаштириш, “яшил” тараққиётни қўллаб-қувватлаш, дунё миқёсида камбағалликка барҳам бериш каби ўткир глобал муаммоларга доир тақлиф ва ташаббусларига кенг ўрин ажратилган.

Бу йил муқаддас юртимизда янги давр ислохотлари бошланганига 10 йил тўлади. Тарихан ниҳоятда қисқа мана шу даврда мамлакатимиз етакчиси Шавкат Мирзиёев йўлбошчилигида мисли кўрилмаган, оламшумул натижаларни кўлга киритди. Дунё саҳнасида “Янги Ўзбекистон руҳи”, халқимиз, жамиятимиз вужудида эса “Янги Ўзбекистон орзуси” пайдо бўлди. Ўтаётган **ўн йил** мобайнида ўзлгимизни қайтадан танидик, давлатимиз раҳбари Янги Ўзбекистонни дунёга очиб берди, дунё ҳам бизга кучоқ оча бошлади.

Бир сўз билан айтганда, **“Юрт қайғусида 365 кун”**ни ўқир экансиз, кўз олдингизда 2025 йилда эришилган оламшумул ютуқларимиз кино тасмасидаги кадрлардек тизилиб ўтаверади. Бу эса бир йил давомида эришилган ютуқларимиз замирида бедор тунлар, тинимсиз меҳнат ва халқ, юрт қайғусида яшаш қанчалик оғир юмуш, лекин шу билан бирга, бу ниҳоятда шарафли толе эканини англайди.

Яна бир муҳим жиҳат: ўқувчи-ёшларга қулайлик яратиш мақсадида китобда замонавий ечимлар, хусусан, QR-кодлардан самарали фойдаланилган.



Бошланиши 1-саҳифада.

Агар буларни фақат расмийлик учун бажарсангиз кўп ўтмай ҳафсалангиз пир бўлади, ишдан ҳам, ҳаётдан ҳам кўнгил совиб кетади. Чунки одамлар ўз оиласидагиларнинг ҳасратини эшитишга тоқат қилолмайди баъзан. Раислар эса бутун маҳаллани эшитиши керак. Эшитганда ҳам қудудай ютиб кетиш эмас, уларга таскин бериш, муаммосига амалий ечим таклиф қилиш, қўлингиздан келмаса ишнинг усталарига йўллаб қўйишингиз, бирга юзриб-елишингиз зарур. Чарчатадими? Чарчатмаса ҳам ҳоритади. Лекин одамларнинг бир оғиз "Раҳмат, раис бува!", "Барака топинг, Мухтор ака!" деган гапидан чарчоғингиз чиқиб кетади.

Аслида ҳаётнинг мазмуни – эл-юртга фойда келтириш, одамларга керак бўлиб яшаш экан. Ўзбекчиликда ҳаётнинг ҳам, фаолиятнинг ҳам якунида бир савол бериллади: "Бу қанақа одам эди?". Ушунда "Яхши эди" десалар, мен учун энг катта бахт шу. Бунинг учун эса ҳар кунимга шу саволларни бераман: "Бугун қандай одам бўлдим? Меҳнатимдан кимга фойда бўлди? Эртага қандай ишларни қилишим керак?". Ўзини назорат қила оладиган одам бошқаларнинг назоратидан қўчилади. Ана шу назорат халқ ишончини оқлашда асосий омил бўлиб хизмат қилади.



ЧАНГ КЎЧАЛАР, КЕНГ КЎЧАЛАР

Авваллари маҳалла раисларига жуда қийин эди. Маҳалла деган тузилма одамларга ёрдам бериш тугул, раисларини маош билан таъминлай олмасди ҳатто. Ойликсиз ишлаган вақтларимиз ҳам бўлган. Халқ маҳалла идораси деса "справка" берадиган, ёғ тарқатадиган, эр-хотин машмашасига қозилди қилладиган жойни тушуниб қолганди. Шукри, кейинги ўн йилда маҳалла тизими қаддини кўтарди.

Кечагидек эсимда: 10-15 йил олдин ҳам таксилар маҳалла ичига киришдан бош тортарди. Чунки 30-40 йиллаб асфальт кўрмаган ички йўллар техниканинг азоби, пойабзалнинг офати эди-да. Ёмғир ёғса йўл қайси, чуқур қайси фарқлаб бўлмасди. Бу пойтахтдаги ҳолат, энди бошқа ҳудудлар ҳақида гапирмай қўя қолай. Ёз кунлари кўчада юришдан юрак беизилларди. Чанг-тупроқ етмагандай, чиқиндилар уюлиб, ҳиди димоқни ёрарди. Қани энди раис бўлиб, гапингни ўткази оласанг. Шуниям илжо бўлмаган. Раислар муомала қилиб, йўл-йўригини топиб маҳалла ободлигини сақлаб туришга ҳаракат қиларди. Уят бўлса ҳам ўзига тўқ, тадбиркор ака-опалар озгина бўлса-да қўллаб юборармикан, деб йўлга кўз тикиб ўтирарди. Энди бу гаплар ўша чанглор ортда қолиб кетди.

Ҳозир Тошкент шаҳридаги деярли ҳамма маҳалланинг ички йўллари асфальтланди, бетон қилинди. Йўл бўйига чироқлар ўрнатилди. Хонадонлардаги яшаш шароити тубдан яхшиланди. Кейинги йилларда электр токи узиллишлари кўрсаткичи кескин тушди. Ободонлаштириш ишлари тизимлаштирилди. Энди гап фақат одамнинг ички маданияти, жамоатчилик назоратида қолди.

Ўзгаришлар моддий эмас, маънавий жиҳатдан ҳам кўзга ташланди. Биласиз, маҳалла тарихи минг йилларга бориб тақалади. Ҳар бир даврда уни илдишларини сақлаб қолиб, янгилаш талаб этилади.

ТЕАТР

Ўзбекистон давлат Ёшлар театри "Қасамёд" спектаклининг премьерасини Ўзбекистон давлат ёш томошабинлар театри саҳнасида намойиш этди.



22 май оқшоми томошабинлар Туркистон ёшларининг тақдири ва ҳаётини воқеаларга асосланган чукўр драматик ҳикоянинг гувоҳига айланди. Утган асрнинг 20-йилларида жадидлар ташкил қилган "Кўмак" фонди орқали Германияга илм олиш учун юборилган ёшларнинг орзулари, ички кураши ва фожеали тақдири саҳнада таъсирчан ифода этилди.

1922 йилда Туркистондан илк талабалар гуруҳи Германияга йўл олди. Улар Берлин, Кёслин, Дрезден ва бошқа шаҳарларидаги ўқув даргоҳларида иқтисодий, сановат ва қишлоқ ҳўжалиги каби энг зарур соҳалар бўйича ўқиди. Бу йўл ортда жадидларнинг

ОЙДИН КЎЧАЛАР

Мухтарам Президентимиз маҳалла тизимини янгилаб берди. Биздан энди фақат ишлаш қолди. Шавкат Миромонович маҳаллада мол-мулк солиғидан тушадиган 10 фоиз пулни маҳалла бюджетига тўғрилаб бердилар. Бу йилдан бошлаб 15 фоизга чиқди.

Бутун йил маҳаллани ривожлантиришга бағишланди. Мен ўша йилгида шитирок этарканман, кўзимга ёш келди-да. Қачон бўлган бунақа шароит маҳалла раисларига? Қачон маҳаллаларимиз бунақа обод бўлган? Буни халқимиз ҳам сезяпти, ўз кўзи билан кўряпти. Одамларда "Бўлар экан-ку!", "Илоҳи бор экан-а?!" деган гаплар пайдо бўлди.

Бу фақат Тошкентда эмас. Бутун республикаимиз маҳаллалари авжи ўзгариш палласига кирди. Ўзим ҳам ҳудудларга тажриба алмашишга бориб тураман. Йўлда ҳам, манзилда ҳам бир қурилиш, бир янги объект очилиши, янги гулзор, боғ парваршиши устидан чиқаман. Мен ўйлайманки, шу йилнинг охиригача маҳаллалар бундан-да гуллаб-яшнайд.

СЎНГИ ТОР КЎЧА

Маҳалламизни мукамал дея олмайман, албатта. Ҳали ҳал қилиниши керак бўлган бир неча масала бор. Ёнимизда 47 та кўп қаватли уй тушди. Кўчаларимиз торлик қияпти: автомобилларга ҳам, фуқароларга ҳам ноқулайлик туғдирапти. Айниқса, "Уриқзор", "Карвон" бозорлари яқин бўлгани учун маҳалланинг ичига автоуловларни қўйиб кетишяпти одамлар. Шу масалалар бўйича тегишли ташкилотларга муурожаат қилганмиз. Иш олиб борилмоқда. Шаҳар кенгаши депутати сифатида ўзим ҳам назоратга олганман. Худо хоҳласа, жараён ниҳоясига етиб қоладиган бўлса, аҳоли ҳам рози бўлади деган умиддаман. Мана шу икки-учта масала ҳал бўлса, бошқа ҳеч нарса керак эмас. Ҳаммасини Юртбошимиз қилиб бераяптилар-ку. Фақат биз муносиб жавоб қайтариб, бордини қадрлаб, ўзимиз ҳам ҳисса қўйишни ўйлашимиз керак.

ЯНГИ КЎЧАЛАР

Рамзий маънода маҳалланинг янги кўчалари бу янги оилалар ҳисобланади. Келажак ҳам уларнинг қўлида. Мана, тўрт йилдан бери ажрим йўқ бизда деб айтдим. Тўғри, ҳар бир оилада келишмовчиликлар бўлиб туради. Нега десангиз, айрим ёшларимизда шукроналик етишмаяпти. Ҳамма нарса бирдан бўлишини истайди келин, кўёв ҳали оёққа турмаган, ўзини ўққа-чўққа уради... Тезроқ шахсий уйи, машинаси бўлса, катта лавозимда ишласа, йилда тўрт марта дунё кезса... Бу нарсаларга секин-секин эришилади, албатта. Унинг тагида меҳнат ётибди. Кўп қаватли бинога битта-битта зина босиб чиқилади. Манаман дегани ҳам ўн та пиллапоёни бир деганда ҳатлаб ўтолмайди.

Шунинг учун биз нурунийлар, зиёлилар, фаоллар билан хонадонма-хонадон юриб суҳбатлашамиз. Ёшлар оилага тайёри – тайёр эмасми, аниқлаймиз. Ўзимизнинг саволларимиз бор. Бўлмаса, уларни олдин тайёрлаймиз оилага.

Кейинчилик муаммо чиқса, оиладагиларга: "Барака топкур, тўйнинг кассетасини қўйиб берайми? Ўша тўйда биз энди опа-сингилмиз, деб кучоқлашиб кўришганларнинг эсингиздами? Кўёв бола, келин қизим, қаранг, бир-бирингизга қандай меҳр билан қараб турибсиз. Узукка кўз қўйгандай. Кўз тегдими?", десам ўзлари дарров тушунади.

ЖАҲОНГА ТАРАЛГАН КЎЧАЛАР

Ўзбекистон халқ шоири Мухаммад Юсуфнинг маҳалла ҳақида ажойиб шеъри бор. Айниқса, "Маҳалладан чиққан Ғафур Ғулумлар" деган сатрини китобхонлик, шеърятни кечаларида ёшларга кўп такрорлайман. Шу шеърининг якунида кўтаринки банд борки, худди, бугунги кунни тасвирлагандай:

*Шоир эмас, жарчи бўлсангиз агар,
Ким келса дордим мен, қайси сарҳаддан:
Меҳмон, марказни қўй, маҳаллага бор,
Бизда маҳалладан бошланар Ватан!*

Бугун маҳалламизга чет эллик меҳмонлар ҳам ташриф буюради. Улар учун маҳалла тизими қизиқ. Халқимиз урф-одатлари, яшаш тарзи, анъаналарини сақлаб қолаётгани ҳайратга солади. Биз ҳам бемалол уларни қабул қиламиз, оидин кўчаларимизни сайр қилдирамиз. Чунки бугун ҳеч кимдан уялмайди-кан даражага келди шароитларимиз. Шу маҳалла кўчаларида чопиб юрган болалар спорт ва фан олимпиадалари, турли соҳадаги мусобақаларда жаҳонга чиқяпти. Шунинг учун маҳалламиз кўчалари жаҳон йўлларига уланиб кетган. Бу унчаларимизнинг сайр қилдирамиз. Чунки бугун ҳеч кимдан уялмайди-кан даражага келди шароитларимиз. Шу маҳалла кўчаларида чопиб юрган болалар спорт ва фан олимпиадалари, турли соҳадаги мусобақаларда жаҳонга чиқяпти. Шунинг учун маҳалламиз кўчалари жаҳон йўлларига уланиб кетган. Бу унчаларимизнинг сайр қилдирамиз.

Юртдошларимизни ҳам маҳалламиз кўчаларидаги "Яшил макон" доирасида ташкил этилган гулзор ва боғчаларга гуруннга таклиф қиламиз. Мана, кўринг, ҳавас қилинг, бизнинг маҳалла шу, хуш келибсиз, азиз меҳмон, деймиз!

Зарнигор ИБРОҲИМОВА ёзиб олди.

ГАП ШАРОИТДА ЭМАС, ШАҲДА

маърифат ва тараққиёт ҳақидаги қуюқ гоъларни турарди. Аммо ёшларни олдинда оғир синовлар, қатагон ва фожеали тақдир кутаётган эди. Чет элда қолиш имконияти бўлса ҳам, улар Ватанга қайтишни таллади. Чунки ёш туркистонликлар Абдурауф Фитрат бошчилигида Амир Темур қабри бошида ичган қасамёдларига содиқ эдилар.

Бироқ большевиклар ҳуқумати бу ёшларнинг эркин фикрлаши ва Европа таълимини олишини ўз тузумига катта хавф деб билди. Натижада, 1924 йилданок уларни ортага қайтариш чоралари қўрилди. Германияда ўқиб қайтган деярли барча зиёли ёшлар 1930 йиллардаги "катта террор" даврида Германия фойдасига жосуслик қилган" ёки "аксинлиқлиб ташкилот аъзоси" деган сохта айбловлар билан қатагон қилинди, отиб ташланди ёки сургун этилди.

"Қасамёд" спектаклида бу жиҳатлар Азиз Хўжаев, Мухаммаджон Авазжонов, Абдулла Пулатов ва бошқа талабалар тақдири мисолида жуда таъсирчан, ҳаққоний ва мазмунли тарзда очиб берилган. Ўзтиборга молик жиҳати, ёш актёрлар бир вақтнинг ўзиде бир-бирига моҳиятан зид бўлган икки хил образларни томошабинга тақдим эта олган.

"Қасамёд" – Ватанга садоқат, хотира ва ўз эътиқодидан воз келмаган авлод ҳақидаги таъсирчан саҳна асари. Спектакль ўша тарихий давр руҳи ва муҳитини, машум қатагон йилларининг фожеавий манзарасини тўлақонли очиб бергани билан диққатга сазовор.

Саҳналаштирувчи режиссёр ва инсценировка муаллифи – Александр Гаширов. Пьеса муаллифи –

лари – Баҳром Ирзаев ва Жавлон Жовлиев. Саҳналаштирувчи расоом ва либослар муаллифи – Покизахон Бекмуродова. Муסיкий безак – Дирёрбек Ширинов. Мазкур спектаклдаги ролларни Шаҳбоз Абдиев, Отабек Неъматов, Абдулазиз Фанижонов ижро этган.


Томошабинлар орасида давлат ташкилотлари вакиллари, ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, журналистлар, ёшлар шитирок этди. Спектакль томошабинларда чукўр таассурот қолдирди, самимий олқишлар эса ижодий жамоа учун катта эътироф бўлди.

Янги саҳна асари тинч ва осойишта, ёруғ кунларни асраб-авайлаш, маърифатпарвар боболаримиз хотирасини мудоом ёдда сақлаш, уни ёзвозлаш, истиклолнинг, ҳурриятнинг, ёшлар учун Ватанимизда яратилган кенг имкониятлар ва шароитларнинг қадрига етишга чорлаши билан томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Бир жиҳатга эътибор қаратишни истардик: айни пайтда Ўзбекистон давлат Ёшлар театри биноси таъмирталаб бўлгани учун жамоа бошқа саҳналарда асарларини ўзбек ва рус тилларида тақдим қилиб келмоқда. Уларнинг ижод маҳсулини томоша қилиб, шароит йўқ бўлганда шунча натижа бўлса, барча имконият муҳайё қилинса қандай асарлар яратар экан, деб ўйлаб қолади киши. Демак, натижа доим ҳам шароитга эмас, балки истак, шаҳд ва фидоийликка ҳам боғлиқ экан-да!

Отабек БАХТИЁР

ТАЛҚИН



Байт зиёрати

Ҳақиқий ижодкор қисмати Ватан тақдири билан чамбарчас боғлиқ келади. Қайси мавзуда ёзмасин, асарларининг қон томирида Ватан ва Миллатга мухаббат туйғуси жўш уриб туради. Она юртнинг юксалишини кўриш – унинг учун қувонч манбаи. Туққан элнинг камоли – умр мазмуни. Бул ҳаваслардан фарқли ўлароқ, чин шоир бу туйғуни суиистеъмом қилмайди.

Сўз гавҳарини тошга урмайди. Уни қалб кўрида асрайди. Ватан – унинг учун жон ва тан. Миллат – орномус ва шаън. Табиат гўзаллигини қўйласа, бу туйғу йўлдос. Орзу-армонини назм этса, шу туйғу – сирдош. Она замин унинг учун юракдаги оҳ. Кўнгли мудом эл дардида дилхоҳ. Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид ана шундай ижодкорлардан. Шоир шеърятини ушбу фикрни тасдиқлайди.

Байтуллоҳ зиёрати – уни ким ҳам орзу қилмайди, дейсиз... Юрт раҳнамоси ҳамроҳлигида хонаи Каъбага кириб, Яратгандан Ватан равнақини, миллат бахтини тиламоқ – бу неча юз миллиондан бир кишигагина насиб этадиган улуг саодат! Топеи кулган экан, шоир ана шундай буюк шарафга ноил бўлди. "Миллат бахтин сўрар миллат отаси" сарлавҳали шеър – ана шу муқаддас зиёрат таассуротлари ҳосиласи:

*Оллоҳ номи билан бошладик
калом,
Оллоҳ даргоҳида энг олий инъом.
Келдик – дил ва тилда лаббайка,
салом,
Бандага раводир Ҳақ ҳидоятини,
Бизга насиб этмиш*

Байт зиёрати.

Мухаммас шаклидаги шеърининг ҳар банди шукрона руҳидаги "Бизга насиб этмиш Байт зиёрати" сатри билан якунланган. Ҳар бир банддаги ушбу ва унга қофиядош бўлиб келган тўртинчи мисра бутун шеър мазмунини ягона эстетик концепция атрофида бирлаштирган. Натижада сўз дурлари ягона назм риштасига терилган.

Шоир лак-лак одамзотни яратган, меҳру карамини тартатган, оламни бир жойга – Каъбатуллоҳга қаратган буюк Зотни васф этар экан:

*Мина-мина ҳикмат эрур
бир ишорати,
Бизга насиб этмиш*

Байт зиёрати, –

Шеърда тоабод мунаввар шаҳар – Мадинатун Набий васфи, Юрт Эгасининг муборак равзада элга зиёлар сўраб дуолар қилган ҳолати пок ният ва самимият, теран мазмун ва юксак бадийят уйғунлигида талқин этилади.

Ана шу муборак даргоҳдаги ҳолатини муфтий Шайх Нуриддин домла Холиқназаров мана бундай ҳикоя қилади:

– "Президентимиз қўлларини дуога очдилар-да, биринчи дуолари: "Ё Раббый, дуо қабул бўладиган жойда сендан ёлвориб сўрайман, менинг халқимни тинч қилгин! Жонажон Ватаншени обод қилгин!" дедилар. Фақат халқни сўраб дуо қилдилар. Иккинчи марта ўзингиз учун ҳам дуо қилинг, деб илтимос қилдим. Яна

қўлларини дуога очдилар-да: "Юртнинг ёшларини илми қилгин, саодатли қилгин, бахтли қилгин! Юртимда ҳеч нотинчлик бўлмасин!" дедилар. Учинчи марта яна айтдим: "Ўзингиз учун ҳам дуо қилинг!" Яна халқни дуо қилдилар. Мен йиғладим. Унақа жойда, азизлар, ҳеч кимда ҳўжақўрсинлик бўлмайди. Мен кейин Президентимиз ҳақларига дуо қилдим.

Жудаям камдан-кам бўлади, ҳаммага ҳам насиб бўлмайди, уларга Пайгамбаримиз саллоллоху алайҳи васаллам яшаган, дафн қилинган жойини очиб бердилар. Аввал Фотима онамизнинг уйларига кириб, кейин дарчадан пайгамбаримиз уйларига ўтилар экан. Шу ерга дафн қилинган, ўша ер матолар билан ўраб қўйилбди. Расулulloҳ олдида туришни тасаввур қилинг?! У ердаги ҳолатни айтиб беролмайман...

Расулulloҳнинг ёнларида туриб-ми ҳаммага ҳам насиб бўлмайди, уларга Пайгамбаримиз саллоллоху алайҳи васаллам яшаган, дафн қилинган жойини очиб бердилар. Аввал Фотима онамизнинг уйларига кириб, кейин дарчадан пайгамбаримиз уйларига ўтилар экан. Шу ерга дафн қилинган, ўша ер матолар билан ўраб қўйилбди. Расулulloҳ олдида туришни тасаввур қилинг?! У ердаги ҳолатни айтиб беролмайман...

Расулulloҳнинг ёнларида туриб-ми ҳаммага ҳам насиб бўлмайди, уларга Пайгамбаримиз саллоллоху алайҳи васаллам яшаган, дафн қилинган жойини очиб бердилар. Аввал Фотима онамизнинг уйларига кириб, кейин дарчадан пайгамбаримиз уйларига ўтилар экан. Шу ерга дафн қилинган, ўша ер матолар билан ўраб қўйилбди. Расулulloҳ олдида туришни тасаввур қилинг?! У ердаги ҳолатни айтиб беролмайман...

Расулulloҳнинг ёнларида туриб-ми ҳаммага ҳам насиб бўлмайди, уларга Пайгамбаримиз саллоллоху алайҳи васаллам яшаган, дафн қилинган жойини очиб бердилар. Аввал Фотима онамизнинг уйларига кириб, кейин дарчадан пайгамбаримиз уйларига ўтилар экан. Шу ерга дафн қилинган, ўша ер матолар билан ўраб қўйилбди. Расулulloҳ олдида туришни тасаввур қилинг?! У ердаги ҳолатни айтиб беролмайман...

Расулulloҳнинг ёнларида туриб-ми ҳаммага ҳам насиб бўлмайди, уларга Пайгамбаримиз саллоллоху алайҳи васаллам яшаган, дафн қилинган жойини очиб бердилар. Аввал Фотима онамизнинг уйларига кириб, кейин дарчадан пайгамбаримиз уйларига ўтилар экан. Шу ерга дафн қилинган, ўша ер матолар билан ўраб қўйилбди. Расулulloҳ олдида туришни тасаввур қилинг?! У ердаги ҳолатни айтиб беролмайман...

Расулulloҳнинг ёнларида туриб-ми ҳаммага ҳам насиб бўлмайди, уларга Пайгамбаримиз саллоллоху алайҳи васаллам яшаган, дафн қилинган жойини очиб бердилар. Аввал Фотима онамизнинг уйларига кириб, кейин дарчадан пайгамбаримиз уйларига ўтилар экан. Шу ерга дафн қилинган, ўша ер матолар билан ўраб қўйилбди. Расулulloҳ олдида туришни тасаввур қилинг?! У ердаги ҳолатни айтиб беролмайман...

Расулulloҳнинг ёнларида туриб-ми ҳаммага ҳам насиб бўлмайди, уларга Пайгамбаримиз саллоллоху алайҳи васаллам яшаган, дафн қилинган жойини очиб бердилар. Аввал Фотима онамизнинг уйларига кириб, кейин дарчадан пайгамбаримиз уйларига ўтилар экан. Шу ерга дафн қилинган, ўша ер матолар билан ўраб қўйилбди. Расулulloҳ олдида туришни тасаввур қилинг?! У ердаги ҳолатни айтиб беролмайман...

Расулulloҳнинг ёнларида туриб-ми ҳаммага ҳам насиб бўлмайди, уларга Пайгамбаримиз саллоллоху алайҳи васаллам яшаган, дафн қилинган жойини очиб бердилар. Аввал Фотима онамизнинг уйларига кириб, кейин дарчадан пайгамбаримиз уйларига ўтилар экан. Шу ерга дафн қилинган, ўша ер матолар билан ўраб қўйилбди. Расулulloҳ олдида туришни тасаввур қилинг?! У ердаги ҳолатни айтиб беролмайман...

Расулulloҳнинг ёнларида туриб-ми ҳаммага ҳам насиб бўлмайди, уларга Пайгамбаримиз саллоллоху алайҳи васаллам яшаган, дафн қилинган жойини очиб бердилар. Аввал Фотима онамизнинг уйларига кириб, кейин дарчадан пайгамбаримиз уйларига ўтилар экан. Шу ерга дафн қилинган, ўша ер матолар билан ўраб қўйилбди. Расулulloҳ олдида туришни тасаввур қилинг?! У ердаги ҳолатни айтиб беролмайман...

Расулulloҳнинг ёнларида туриб-ми ҳаммага ҳам насиб бўлмайди, уларга Пайгамбаримиз саллоллоху алайҳи васаллам яшаган, дафн қилинган жойини очиб бердилар. Аввал Фотима онамизнинг уйларига кириб, кейин дарчадан пайгамбаримиз уйларига ўтилар экан. Шу ерга дафн қилинган, ўша ер матолар билан ўраб қўйилбди. Расулulloҳ олдида туришни тасаввур қилинг?! У ердаги ҳолатни айтиб беролмайман...

Расулulloҳнинг ёнларида туриб-ми ҳаммага ҳам насиб бўлмайди, уларга Пайгамбаримиз саллоллоху алайҳи васаллам яшаган, дафн қилинган жойини очиб бердилар. Аввал Фотима онамизнинг уйларига кириб, кейин дарчадан пайгамбаримиз уйларига ўтилар экан. Шу ерга дафн қилинган, ўша ер матолар билан ўраб қўйилбди. Расулulloҳ олдида туришни тасаввур қилинг?! У ердаги ҳолатни айтиб беролмайман...

Нурбой ЖАББОРОВ,
филология фанлари доктори,
профессор



ТАВАЛЛУД КУНЛАРИ ЎТДИ...

Бошланиши 1-саҳифада.

Яна бошқа шоирларнинг... Шундай. Маърифатли халқлар энг атоқли шоирининг юбилейини ҳар йили нишонлайди. Русларда бу – Пушкин, украинларда Тарас Шевченко, олмонларда Гёте ва ҳоказо. Бошқа киши, у буюк саркарда ё подшоҳ бўладими, икки-уч Нобель мукофоти олган олимми, барибир, таваллуд кунини ҳар йили байрам қилинмайди. Фақат миллатнинг юзи бўлган энг улуғ шоир шу шарафга лойиқ кўрилади.

Ўзбекларда бу – Навоий. Навоийнинг туғилган кунини биздагина эмас, Афғонистон, Тожикистонда, Қирғизистон, Қозоғистон, Туркменистонда ҳам тантанали қилинади. Яна, давлатимизнинг қайси юртда элчиликни бўлса, ўша ердаги ватандошларимизни чорлаб, тўй уюштирилади, ҳар бир иштирокчи ўзбек эканидан, Навоийнинг авлоди эканидан фахрланади. Вазирлик ва олий ўқув юртини, мактаблар, ҳарбий қисмлар ва санъат даргоҳларида ҳар йилнинг 9 феврални "Навоий кунини"га, шеърят байрамини айланади.

Навоийнинг ўлмас руҳи – миллатни уюштирувчи қудратли маънавий омилдир, глобализацияга бугунги дунёда ўзбек руҳини сақлаб туришимизда тенгсиз мадад бераётган ҳалоскордир.

Кейинги юз йилда ўзбек адабиётшунослигининг асосий масаласи Навоий ижодини ўрганиш бўлди. Юзлаб навоийшунослар етишиб чиқди.

Қилинган беҳисоб ишлар эътирофга, таҳсинга сазовор. Аммо Навоий ижоди туби кўринмайдиган белем уммонда. Шунинг учун ҳар биримизнинг далилимиздан, шоир асарларини у зотнинг шавқи маъноси равишда теран тадқиқ этишимиз, халқимиз орасида етарлиқ оммалаштириш насиб бўлаётгани, деган саволга кечади.

Тўғри, навоийшунослик авжиди. Бу иш, Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди таъсис этилиб, иш бошлагач, янгича куч олгани ҳам чин, аммо навоийхонлик – улуғ шоирни халққа танитиш савияси ҳам ўшанга муносиб даражада бўлаётми?

Қамина навоийшунослас эмас, шоир асарларининг оддий бир муҳиб. Шундан келиб

чиқиб, Алишер Навоий асарларини илмий-назарий ўрганиш борасида эмас, элимиз орасида оммалаштириш ҳақида бироз тўхталсам.

Қирқ йилдирки, 9 февраль олтидан Навоийнинг, 14 февраль арафасида эса Бобурнинг таваллуд кунини муносибати билан маъруза қилиб беришга каминани ҳам тақлиф қилишди. Мактабу дорилфунунларга, вазирликларга бораман. Шунинг учун бундай кунлар қандай ўтказилиши ҳақида баъзи мулоҳазаларимни айтсам.

Биласиз, ҳозир нима кўп, "тадбир" кўп – ҳар ҳафтада бир неча йиғилиш ўтказилади. Шунинг учун ҳар бир муассасада махсус тадбир ўтказувчи одам белгиланган. Аксар байрам ва юбилейларнинг сценарийсига кўра, бошловчи анжуман мавзунини эълон қилиб, уни "очиб бериш учун" шу ташкилот раҳбари (ё ўринбосари)га сўз беради. У беш-олти дақиқа гапириб, бу даргоҳга таширф буюрган шоирни ёки олимни минбарга тақлиф қилади.

Меҳмоннинг маърузасидан сўнг "бадий қисм"га навбат келади: ўсиқ сочи устига салла кўндирган, чопон кийган йигитлар, атлас кўйлаки қизлар саҳнага чиқиб, "Кеча келгүндүр дебон"ни, "Фурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш"ни неча бор тутиб, маъноси ни ўзи ҳам тушунмай, узиб-бузиб ўқиган бўлади, кўпгина байтлар эсдан чиқиб, тўхтаб ҳам қолади.

Бошловчининг даъвати билан олачалоқ чапак чалинган, "қутулдик", дея энгил тортиб, саҳнани тарқ этилади. Сўнг бир-икки ашула ё рақс. Ашула ҳам Навоий ё Бобурдан эмас, кўпгина Чокорнинг "Муштаҳод"и бўлади, рақс эса – "Анджон полькаси" ва "Лазги"! Пироваддида "хурматли меҳмон"га рамка солинган ташаккурнома тақдим қилинади, тадбир чиндан ҳам бўлиб ўтганига "юқори" ҳам ишонч ҳосил қилиши учун ўн маротаба рақс расмга тушилади. Ана, тугади, вассалом!

Навоийга... шу керакми? Ё ўзимизга?

Бир пайтлар биз ўқиган чоғда Навоий газалларига басталанган ашулар айтелири, газаллари ҳаяжон ила ўқилар, шоир ҳаётига оид саҳна томошалари қўйиларди, унга неча кун тайёргарлик кўриларди. Анжуманда

Навоий руҳи кезарди. Ҳозир-чи, борми ўшандай даврлар?

Минг хайриятки, йўқ эмас, бор экан. Шу йил 19 февралда Тошкент вилоятининг Паркент туманида, Чингиз Айтматов номидаги қирғиз мактабида бўлди. Бутун дунё она тили байрами кунига бағишлаб ўқувчилар дастур тайёрлаган экан. Унда Чингиз Айтматовнинг "Момо ер" асари бўйича лавҳалар, айниқса, жонли чиқди. Бир ўқувчи қиз Тўлганой ролида, фожияли лавҳаларни шундай самимий талқин этдики, кўзига ёш келмаган томошабин қолмади. Кейин эса, гарчи Навоий билан Бобурнинг таваллуд кунлари аввалроқ ўтган бўлса-да, "Навоий" драмаси (Уйғун ва Иззат Султон)дан арузда битилган монологларини бир қатра ҳам бузмасдан ижро қилишди, қирғиз ўғил-қизлари – ўзбек тилида!

Тошкентда ё Қаршида ҳам қайсидир мактабда бу драмани шунчалик ижро қила оладиган ўзбек ёшлари бормикин, деб ўйлаб қолдим, азизлар!..

Алҳол, навоийхонликни янги босқичга кўтармасак бўлмас. Аммо бунинг шартини қандай?

Менимча, фарзандларимиз улуғ мутафаккир руҳидан узоқлашмасин десак, шоирни XXI аср руҳига мослаштиришга уринмайлик. Газалларини эстрада жанрида кўшиқ қилиш, достонларини Ғарб симфоник оркестри садо-лари фониди ўқиш – Қриловнинг "Стрекоза и муравей" масалани кўлга ликоча тутиб, катта ашула қилиб айтиш каби беўхшов чиқади.

Ёки "флеш-моб" яратишни айтинг. Бир неча раҳбар ё актёр жалб этилади. Бирга автобусда бир байт айтирилади, сўнг бошқаси кейинги байтни аэропортда, яна ўзгаси учинчи байтни дорилфунун аудиториясиди эллаб-сеплаб ўқийди... Булар... бачкана, сунъий эмасми?

Навоий ижоди шу билан оммалашади деб ишонасизми? Шоирнинг газаллари "улоқ" қилинаётгани йўқми?

Дуруст, уринишгапти, йўл излашгапти, дейлик. Аммо ҳар бир даргоҳда, лоақал мактабларда Навоий, Бобур кунларини эртасигаёқ эсдан чиқиб кетмайдиган қилиб ўтказиш учун нима қилсак экан?

Гап юбилейни чиройли ўтказишдагина эмас. Биз ўзбеклик руҳидан узоқлашиб бо-

раётганимизни эътироф этайлик, унинг олдини олишга интилайлик. Миллий руҳни бой берсак, орзу қилиб интилаётганимиз – янги тамаддунни барпо эта олмаимиз, амалга ошса ҳам, у бизники бўлмайдими.

Бамисоли, дов-дарахт ҳам, экин-тикин ҳам томиридан сув ичади. Сўпсензияли (ўғит аралаштирилган) сувдан барги орқали озикланган дарахт меваси биз ўргангандай бўлмайди. Шу каби, ўтмишидан узилган авлод ҳам тарихий илдиридан бебаҳра ўсиб қолади, мозий руҳини ҳис этмайди.

Бу борада энг биринчи ишимиз – адабиёт муаллимларининг ўзи шеър ўқишни билиши. Газални газалдай ўқиб, шууримизга қўйиб қўядиган ўқитувчилар қолгани мактабларда?

Йўқ деярли. Биз аруздан ҳам, Навоийдан ҳам тобора олислаб бораётимиз.

Афсуски, театр саҳнасида, ТВда, радиода жаранглатиб газал ўқийдиган суҳандон-дикторлардан ҳеч бирининг ижроси арузга тушмайди, бари газални декламация қилади. Ахир, газалнинг ўз вази-куйи бўлар эди-ку!

Аруздан беҳабар муаллим болага газал ўқишни қайдан ўргатсин? Шуни мулоҳаза қилиб, айтманки, мактабда адабиётни "шоирнинг ҳаёти ва ижоди" тарзида ўргатишдаи дақиқонусдан қолган усулни чеклаб, маснавий ва қасида ўқиш, ўқиш борасида сабоқ берсак, у ёғини боланинг ўзи кашф эта бошлайди.

Икки оғиз мактаб дарсликлари ҳақида. Ёдингиздама, бир пайтлар "Ўқинг аъло, Бўлинг доно..." деган машҳур бир шеър бўларди? Унинг мисралари ҳақон кулоғимизда жаранглайди. Чунки бу шеър арузий эди: ҳажаз баҳрининг мусаммани солим (мафойилун, мафойилун, мафойилун, мафойилун) вазида эди. Уни "Тошкент ироғи" ашуласи муаллифи Мискин домланинг ўғли Муҳаммаддон Қўшқов ёзган. Ушандай шеърларни ўқиб, бола биринчи синфданок газал ўқишга мойил бўлиб қоладиган, бу – Навоий сари илк қадам, юксакликка элтувчи шотининг биринчи босқичи эди.

Ҳозир эса унинг дастлабки поялари олиб ташланган – бошланғич синф дарсликларида арузий шеър йўқ. Ё, болалар учун газал ёзадиган шоир қолмагани?



Зухриддин ИСОМИДДИНОВ

Гунафшажон, гунафша, Кулишларинг чиройлик. Боғимизда очилиб Туришларинг чиройлик.

(Мафойилун фойулун, Мафойилун фойулун)

Ўзбек тили ҳақида, ватанимиз тўғрисида, ота-онамиз, Алишер Навоий, табиат... борасида ҳаммамиз – бутун миллат биладиган, давраларда барча қўшилишиб айтадиган, бирга қўйлайдиган шеърлар кўпми бизда? Ҳадеб "кўнглумо кўнглум" дея бермасдан, ташқарига ҳам бир қараб қўйсак-чи? Бугунги жамиятнинг, айниқса, болаларнинг эҳтиёжи ҳам ташвишланганини керак эмасми адибларимизни?

2019 йил бўсағасида Президент Шавкат Мирзиёев Олий Мажлиси Мурожатнома-сида: "Муҳитни яратмас эканмиз, олтимизга кўйган юксак марраларга эришолмаймиз... кадрлар дунёқарошини ўзгаришимиз керак", – деб даъват этган эди.

Саккиз асрлик ўзбек адабиётининг камида етти юз йиллик ривожи аруз асосида кечган бўлса-да, талабаларга, лоақал бўлажак филолог муаллимларга газал ўқиш мулқоқ ўргатилмаслигига қандай вақимиз бор?

Шеър ўқишининг ўзи пировад-мақсад эмас. Китоб ўқийдиган, бадий асар мутолаа қил-диган болалар кўпайсин, дейимиз. Ана ушлар дунёқароши кенг, ахлоқи мукаммал, тарбияси бенуқсон бўлади. Қанча кўп бола адабиётга ошно бўлса, жамиятда жиноят шунча камаяди, коррупция кескин қисқаради.

Пировад-мақсад мана шу. Унга эса Навоийни ўқиш орқали, шунчаки ўқиш эмас, теран ўқиш орқали борамиз. Бунинг учун бир қараганда пайқалайдиган, арзимасдай туюлган нарса – арузий шеърдан завқ туя олишга эришиш керак. Аруз билмаган одам Навоийга қандай етишин?

Алишер Навоий – халқимизнинг маънавий отаси. Ота тарбиясини кўрмай ўсган боланинг эса ҳолига вой.

ТАЛҚИН

Энг аввало, бу ғалати романи ўқишга қийналганимни айтмоқчиман. Асарни бир сўз билан таърифлаш лозим бўлса, уни "топишмоқ" деган бўлардим. Назаримда, бу баҳо камлик қилади, яхшиси, "Мушташам топишмоқ" дейман.

Назаримда, эркин ёзишимга ҳалал бераётган яна битта муаммо бор. Роман ҳақида фикр ёзишга чоғландим, аммо ким бўлиб ёзаман – интеллектуал эссеистини ёки эмоционал китобхон? Ҳар икки ёндашувда ҳам муаллифга ва сизга – романинг потенциал ўқувчисига кўп гапларни айтгим келади.

Келишиб олайлик. Мен романи яхши ёки ёмон дейдиган тақризи эмасман. Унақа гапларни кутман. Сюжетни ихчам равишда қайта ҳикоя қилиш орқали бу янги романи ўқишга шаштингани сўнгириб, мазкур асар мутолаасидан туғилмайдиган эстетик ҳузурдан сизни мосуво қилгим ҳам йўқ. Мен бу асар ўқувчи онгига қандай ўрналаб кириб боришини имкон қадар тушунтирмоқчи бўлман.

Асар сюжети содда, лекин танланган шакл – жанр ўта мураккаб, матн жуда интерактив, ҳодисалар шу кунларда бўлиб ўтади. Воқеалар учта мустақил, ўзаро боғланмаган ва туб моҳиятига кўра чамбарчас боғланган параллел оламларда содир бўлади. Муаллиф роман структураси устида жиддий ишлагани сезилади: матн ўқувчидан интеллект, муқаррар психологик ларзаларга тайёргарлик талаб қилади.

Ўқиб жараёнда мавзунинг ҳаёт-мамот қадар қалтирилиги, ифода услубининг оғирлиги, юракни эзадиган даражада ижиклаб баён қилган тушлар, онг ости тасвирлари, муаллифгагина аён қодлар, сирли рақамлар, гайришуурий ишоралар – мана шуларнинг юки елкамини босиб турди.

Тарсонинг 20 варақдан иборат туш тасвирини ўқирканман, зерикиб кетдим, асабимга тегаётган, гашимни келтираётган ва батафсил мингирлаш бўлиб туюлаётган бу матндан узоқлашим келаверди. Уч-тўрт бет



диган миқёсларда гўзал лабиринт устига қўрилган: қиз ва профессор тунги вақтда (соат 22:37 да) суҳбатлаша бошлайди, сиз икки бегона одамнинг скриншотларини яширинча ўқиётгандек бўласиз, ҳализамон бани одамга хос "анунақа" интим гаплар бошлансами, деган шум гумон кўнгилдан ўтади. Бировнинг нозик сирини билишга қизиқиш – ўқувчининг ёқасидан маҳкам чангаллаб, то романининг 148-саҳифасигача бир нафасда ўқишга мажбур қиладиган омил шу.

Дастлабки саҳифаларда рақамли давр эстетикасидан сармаст китобхон 148-саҳифа келганда туйқос бошқа оламга тушиб қолади. Шу нуқтада онг оқими баёни бошланади – тор жойга қамалиб қолиб юраги ёрилаёз-

ган катта одам ёки кенг далада озод шамолга эргашиб чопаётган учқур тулпор каби ҳолга тушасиз, аралаш хислар туғилади. Контраст. Асарнинг ҳар бобида, ҳар қисмида, ҳар савирарида катта-кичик, дардди-қулгили, ўтмиш-бугун, ачинарли-ёқимли сингари деталлар контрасти бор.

Мазкур роман ўзбек адабиётдаги шаклий изланишларнинг энг ноёб намуналаридан бири бўлгани учун уч йўналишдаги ҳикоялар ҳақида алоҳида тўхталишни маъқул кўрам.

Биринчи йўналиш. Хонанишин профессор – руҳшунослик соҳаси бўйича тан олинмаган даҳо олим ўтар дунё ишларига этак силкиб, умр шомини ўткараётган рангсиз кунларининг бирида унга нотаниш қиз телеграмдан хат ёзади. Сўнгра узун ва сермасмуно мулоқотлар, сирлашишлар, ҳаётнинг моҳияти, Худо, ўлим, тушлар хусусидаги ички суҳбатлар бошланади.

Мулоқотлар кучайиб, ривожланиб борагани сайин улар кўнра "Шайх Санъон ва Тарсо қиз" ҳикоятига тақлидан телеграмдаги ёзишмаларида ўзларини шу ном (никнейм) билан атаб бошлашади. Қиз энди Тарсо бўлиб ёзади, кекса профессор Санъон номини олади. Суҳбат асосида маълум бўладики, улар аввалроқ икки марта реал ҳаётда қўришишган: дастлаб қизнинг болалик кезларида ва кейинроқ у пьеса ёзиб, кўрсатишга олиб келганида.

Иккаласининг мулоқоти мазмунини ташкил этадиган фалсафий гоғлар, кўрқинчли тушлар, қиз қачондир ёзган мураккаб асар ва ўша асардаги бош қахрамон – Ярддо исмли қиз ўқувчини тафаккурнинг сирли зиналарига қаватма-қават бошлаб кетаверади. Ҳа, мен ҳозир юқорида қандайдир мавҳум ва маҳобатли, серқатлам жумла тузиб бошимизни қотириган бўлсам, профессор ва Тарсонинг виртуал мулоқоти ҳам сизни ана шу-

дай тушуниксиз маҳобат қаршида гирён қилади.

Кейин асар ичиди асар пайдо бўлади, телеграмда суҳбатлашиб ўтириш бу профессор ва қизнинг суҳбатига эргашиб, қиз ўзини тасвирлаб ёзган пьесаси тахлимига қўшилиб кетасиз. Саноқсиз тушларида ногирон уқаси ва ўғай отасини ўлдирётгани учун айбдорлик ҳисси билан яшаётган Тарсо профессорга ўз оғриқларини, бу оғриқларнинг пайдо бўлиш тарихини маълум қилади. Тажрибали психолог, ўжар олим эса бу тушлар қодлар эканини англайди ва қизга бу руҳий лабиринтдан чиқиши йўлларини кўрсатишга интилади. Лекин қўлидан ҳеч нарса келмайди. Қиз қотиллигини тан олади ва интернетдан гоғиб бўлади. Бундан кейинги воқеа эса муаллифнинг факултода топилмаси, даҳшатли ва аламли драма.

Иккинчи йўналиш. Айна пайтда телеграмдаги ёлпқ гуруҳларда (эҳти-мо, ўн-ўн беш йиллар аввал машҳур бўлган чат-форумларда) 5-6 нафар адабиёттанир (устоз Қ.Йўлдош сўзи) одамлар гурунглашиб ўтиради, фикр алмашилади. Профессор бу виртуал гуруннинг баҳс мавзусига қизиқади, фалсафа, адабиёт, психологияга доир ва яна аллақандай воқеаликка алоқадорлиги сезилиб турадиган гуруннинг кунт билан ўқийди. Шу жойини эслаб қолинг.

Ўқувчида савол туғилади. Ким ўзи бу ному нишони ғалати одамлар, нега улар Кўкбоил, Жаблит, Рақобил сингари ғайридоддий исмлар билан номланган? Уларнинг форумга ўшаган виртуал давра суҳбати санъатнинг моҳияти ҳақидаги баҳслардан бошланиб, кейинги ўринларда қандайдир бадий асарга доир хулосанамо гаплар билан яқунланади. Тўғрироғи, уларнинг суҳбати яқунламмайди, романдаги иштироки яқунланади.

Шунда гяпнинг пайривидан тушунасизки, саватини эмас, фундамен-

тал гоғларни муҳокама қилиб ўтириш бу одамлар давраси сиз билан бирга романи ўқиётган кишилар бўлиб чиқади! Ўйни, роман ўзини ўзи муҳокама қилаётган структура эканлигини тушуниб қоласиз.

Бошида виртуал давра суҳбатини тушуниб-тушунмай ўқийсиз, асар воқеалари ривожланиб борар экан, сезасизки, бу интердисциплинар инсонлар, яъни кўлаб фанлар қамровида қомусий фикр юритадиган интеллектуал тоифа берилиб муҳокама қилаётган воқеа – романинг ўзи.

Соддароқ тушунтираман. "Гирён" романи шаклан уч турли ҳикоядан иборат: а) ровий; б) интернетдаги ёзишмалар; в) онг ости тасвирлари. Интернетдаги ёзишмалар иккига бўлинади: профессор билан қизнинг "личка"си ва телеграм гуруҳда фикрлашаётган одамлар. Ўша телеграм гуруҳида фикрлашаётган одамлар сиз ўқиётган роман воқеалари хусусида гаплашиб ўтирганини тушуниб қоласиз. Фақат бу ғалати ҳолатни – романинг ноёб конструкциясини кимдир эртарақ, кимдир кечроқ пайқайди. Лекин муаллиф "шундай-шундай" деб конструкцияни бирон жойда изохламайди.

Учинчи йўналиш онг оқими тасвирларидан иборат. Асарнинг бир қарашда зерикарли, аммо малҳам сингари фойдални қисми – шу. Тарсо ва профессорнинг суҳбатидан толиққан китобхон онг ости тасвирлари бошланганида хаёлга эргашиб кетаверади, кетаверади. Муаллиф дастлаб сизни болаликнинг кўрқинчли эртагидан олиб ўтади, сўнгра алаҳсирашга ўшаган, гирром муносабатлардан безган кўнглининг кечинмаларига тўхталади, охирида эса йўл – бундай психологик асарга энг оқилона финал учун мос детал келади.

Онг оқими тасвири учун танланган мангу доирадан иборат шаҳар ва боғловчи ички йўллар, йўлсозлар ҳикояси жуда серқатлам ва абсурд моҳиятини

очиши билан мумтоз бир бадий қийматга эга. Назар Эшонкул шу нуқтада ўқувчи тафаккурини катта фалсафий дилеммага усталик билан йўналтиради. Бу дилемма моҳиятини очиши эмас, уни изохлаш билан хотирангизга маҳкам ўрнашди. Асар ғалати равишда тугади, лекин энг охири онг оқими баёни билан муаллиф ўқувчининг юзига тарсаки тортади: қалбингдаги дастлабки идоллар мангу яшайди, барибир, уларга қайтасан! Кенг маънода эса бундай дейди: ўзлигинг сени бир умр таъқиб қилади, дунё қочиб қўтулиш учун жуда тор.

Бу романда алоҳида тўхталиб шарҳлаш керак бўлган нуқталар кўп. Дейлик, ҳар бир бўлим учун танланган, суҳбат ўзанига қараб алмашиб турадиган ранглар; аниқ қайд этилган мулоқот вақтлари; ўқиш эмас, томоша қилиш ҳиссини берадиган сурут-скриншотлар; умумийликдан хусусийликка эврилиш тасвирлари; муаллиф сезилар-сезилмас равишда онгингизга муҳрлаётган фалсафий-психологик биллилар романи ноёб адабий ҳодисага айланганади.

Қизини шундаки, романи ўқиб бўлганингизда сиз бир бадий асар мутолаасини яқунлаган ўқувчи ҳолатида бўлмайсиз. Сиз кучли психолог қабулидан қайтган, юрак-юрагини ўртаётган ҳасратидан фориг бўлган одамга айланасиз. Аристотель айтган "катарсис" содир бўлади. Бундан ҳам қизини шундаки, сал кейинроқ роман воқеалари, унинг ғалати конструкцияси, онг оқимидан иборат финални эслаб, психолог-муаллиф юрагингизга жойлаб қўйган абсурддан даҳшатга тушасиз. Хайр, катарсис. Яна контраст.

Нафсиларини айтганда, санъат шундай: оммага ёқишга интилмайди, ўз-ўзича воқелик бўлади, уни тушуниш ва ҳис қилиш ўқувчининг савия-даражасига боғлиқ.



Бехзод ҚОБУЛОВ

МУҲТАШАМ ТОПИШМОҚ

Назар Эшонқулнинг "Гирён" романини ўқиб...



Бошланиши 1-саҳифада.

МАНФААТПАРАСТЛИК ЭПИДЕМИЯСИ

У елка қисди:
— Қўйсангиз-чи... Ўрнингизда бўлсам, ҳаммасини ташлаб, бизнесга кетардим. Зарилми, шунча куйиб-пишиб?

Унинг бу гапи менга малол келди. Сўхбат тугаб, йўлимиз айрилганидан кейин эса қатор саволлар қалашди хаёлимда: Нега инсон қилган ҳар бир ишдан, албатта, шахсий манфаат излаши керак? Нега умумий фойда ҳақида ўйлаш бора-бора соддалик ёки "аҳмоқлик"дек кўрилади бошлади? Нега фидойилик эмас, ўзини ўйлаш ақллилик сифатида қабул қилинмоқда? Бу саволлар фақат менга эмас, бутун жамиятга дахлдордир.

Жамиятни ташқи душманлардан кўра кўпроқ ички иллатлар заифлаштиради. Ички иллатлар шовқин-суронсиз, кўзга кўринмай, узлуксиз таъсир қилади. Фақат ўз шахсий фойдасини устун қўйишга олиб келадиган манфаатпарастлик эса ана шундай иллатларнинг биридир. Агар у оммавий тус олса, жамият учун эпидемияга тенг хавфни келтириб чиқаради. Бундай муҳит илдиз отган жамиятда ишонч сусаяди, адолат қадрсизланади, ҳамкорлик ўрнини рақобатнинг тажовузкор шакли эгаллайди.

Энг ёмони, манфаатпарастлик жамиятнинг барча қатламларига бирдек таъсир қилади: давлат бошқаруvidан тортиб оилавий муносабатларгача, таълимдан маънавиятгача. Оқибатда бир занжирнинг ҳалқалари каби ишонч инқирози бошланади, коррупция илдиз отаверади, ахлоқий қадриятлар емирилади, ижтимоий кескинлик, ёлғизлик ва бефарқлик кучаяди. Одамлар бошқаларга ишонмагани учун фақат ўзини ўйлайди, ҳамма ўзини ўйлагани учун ишонч янада камаяди. Шу тариха, жамиятдан "саово" ва "яхшилиқ" тушунчалари йўқолиб боради.

Аслида, жамиятни бойлик ёки куч эмас, балки ўзаро ишонч, адолат ва инсоф сақлаб туради. Агар бу қадриятлар заифлашса, энг қудратли давлат ҳам ичидан емирилади. Шунинг учун манфаатпарастлик эпидемиясига йўл қўймаслик фақатгина ахлоқий масала эмас, бу жамиятнинг келажаги, барқарорлиги ва ҳатто мавжудлиги ҳақидаги чора, демакдир.

ИШОНЧ – ЖАМИЯТ УСТУНИ

Жамиятни бир бутун тизим сифатида ушлаб турувчи энг муҳим устунлардан бири – ишонч. Буни узоқ тарихга эга маҳалла аъёналари билан танилган Ўзбекистон мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Илгари сўзинг ўзи кафолат эди. Бугун эса ҳатто таниш одамга ҳам қарз беришдан олдин ёзма келишув қилиш одатий ҳолга айланиб бормоқда. Демак, ишонч секин-аста шартномалар билан алмашмоқда.

Атрофдаги манзараларга боқинг: поликлиника ёки давлат идорасидаги узун навбатда айримлар "бир дақиқага" деб олдинга ўтиб олишга уринади. Буни кўрган бошқалар ҳам ўз навбатининг келишига ишонмай, "йўлини қилиш"га ҳаракат қилади. Усталар ишонадиганлар ҳам кам қолди. Усталар ҳам бюрократчи ишонмайди. Чунки сўнгги вақтларда икки томоннинг ҳам ўз ваъдасига амал қилмаслиги бот-бот кўзга ташланмоқда.

Айрим ташкилотларда фаол ва ташаббускор ходим ишни яхшилаш учун янги ғоя таклиф қилади. Аммо уни рағбатлантириш ўрнига қўшимча вазифалар оқибати, муқофот бошқаларга берилади, натижада у кейинги сафар ташаббус курсатмайди. Буни кўрганлар эса "ортиқча ҳаракат қилишнинг фойдаси йўқ", деган хулосага келади. Натижада жамоада сифат эмас, минимал талабни бажариш кўникмаси шаклланади.

Илгари маҳаллада эшиклар очик, болалар қўшинида бемалол ўйнаб юрар, уйни кўшига топшириб кетиш оддий ҳол эди. Ҳозир эса аксар жойда темир эшик, кузатув камераларини кўрасиз. Албатта, бу хавфсизлик чораси, аммо шу билан бирга, жамиятда ишонч инқирозининг аллақачон бошлангани белгиси ҳамдир.

Ишончнинг сусайиши иқтисодий соҳага ҳам таъсир қилади. Кичик бизнес билан шугулланувчи икки таниш шерикчиликда иш бошламоқчи бўлади, аммо кейин "Пулни бўлишда муаммо чиқмасмикин?" деган шубҳа сабаб,



лойиҳа амалга ошмайди. Ёки деҳқонлар сувни навбат билан ишлатиш ўрнига, ҳар ким ўзича тортиб олишга ҳаракат қилади – натижада пастдаги ерлар сувсиз қолиб, ҳосил камаяди. Умумий ресурс бор, лекин ишонч йўқлиги боис, самара паст.

Энг ёмони, аҳвол шу тарзда давом этса, ишонч инқирози ўз-ўзини кучайтирувчи жараёнга айланади. Масалан, кўчада йиқилиб тушган одамга баъзилар "кейин мендан гувоҳлик талаб қилишди", "бошимга муаммо ортирмай", деган хавотир билан ёрдам беришни истамайди. Бошқалар ҳам бефарқ бўлишни маъқул кўради. Оқибатда инсонлар ёмон бўлиб қолгани учун эмас, балки ишончсиз муҳит сабаб бир-бирига яқинлашмай қўяди.

Бориб-бориб жамият бир бутун организмдан алоҳида "ороллар" йиғиндисиға ўхшаш архипелагга айланади. Бир маҳаллада яшовчилар бир-бирини танимайди, бир ташкилотда ишловчилар бир-бирига ишонмайди. Умумий мулк қаровсиз қолади. Хиёбонда ўриндикни асраш ўрнига синдириш, лифтни эҳтиёт қилиш ўрнига бузиш ҳолатлари эса "бу меники эмас", деган муносабатдан келиб чиқади. Умумий манфаат ҳисси сусайганда, умумий мулк ҳам қадрсизланади.

Ҳа, азизлар, манфаатпарастликдай жирканч иллатдан тугилувчи ишонч инқирози оддий ижтимоий муаммо эмас, балки жамиятни ичидан емирувчи кўрнамас офатдир. У секин-аста, лекин узлуксиз таъсир қилади. Унинг таъсирига тушганлар бир маҳаллада яшаса ҳам, бир жамоа бўла олмайд.

Ҳозирга қадар Ўзбекистонда ҳашар ё қўшничлик каби аъёналар айнан ўзаро ишонч туфайли яшаб келган. Агар шу "ижтимоий капитал" йўқолса, уни тиклаш жуда қийин бўлади. Чунки жамиятни парчаланишдан сақлаб қолдиган энг мустаҳкам "цемент" – бу қурол ёки маъмурий чоралар эмас, балки инсонларнинг бир-бирига ишонии ҳиссидир.

КОРРУПЦИЯНИНГ ЎҚ ИЛДИЗИ

Манфаатпарастлик оммавий тус олса, давлат тизимини издан чиқариши ҳеч гап эмас. Бунинг ёрқин мисолларини турли мамлакатлар тажрибасида кўриш мумкин. Манфаатпарастлик кучайган жойда лавозим – хизмат ва масъулият эмас, имконият манбаи сифатида кўрилади. Лавозимдан шахсий манфаат йўлида фойдаланиш коррупциянинг ўқ илдизидир.

Масалан, айрим давлатларда нефть ёки бошқа табиий ресурслардан тушган даромад

аҳоли фаровонлигига эмас, тор доира манфаатига хизмат қилган ҳолатлар кўплаб кузатилган. Бир вақтлар Бразилиядаги машҳур "Lava Jato" иши давомида давлат нефть компанияси атрофида миллиардлаб долларлик пора схемалари очилган. Унга кўра, қурилиш компаниялари йирик шартномаларни қўлга киритиш учун сиёсатчиларга пул тўлаган, бу маблағлар эса сиёсий кампанияларга ва шахсларнинг боийшига сарфланган. Натижада давлат маблағлари самарасиз ишлатилган, иқтисодга зарар етган, жамиятда эса сиёсий тизимга ишонч кескин пасайган.

Бундай мисоллар ўзимизда ҳам етарли. Манфаатпарастлик иллати уричан муҳитда имтиёз ва рағбатлантиришлар фақат ўз яқинларига қўлланиши кузатилади. Яқинда ёйилган хабарларга кўра, Самарқанд вилояти мактаб таълими бошқармаси бошлиғи Санкт-Петербургда ўтган битирувчилар байрамига ўз фарзанди ва жиянини юборган. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ўтказган текширув натижаларига кўра, Қўшрабат ва Каттакўрғон туманлари ҳоқимликларининг мансабдор шахслари хорижий хизмат сафарларида яқин қариндошларини, жумладан, хотини, ўғли ва ҳайдовчисини, шунингдек, сафарга алоқадор бўлмаган ходимларни делегация таркибига киритгани аниқланган.

Албатта, бу ҳолатларга нисбатан тегишли интизомий чоралар қўрилган. Аммо бюджет маблағлари манфаатпарастлик йўлида исроф этилишига шунчаки жим туриш мумкин эмас. Баъзан таъсирли шахсларнинг жазодан қутулиб кетиши кузатилади. Оқибатда, аҳолида "қонун барча учун тенг эмас", деган фикр шаклланади. Бу эса ҳуқуқий давлат тамойилига жиддий зарба беради. Меҳнат эмас, алоқалар ҳал қилувчи омилга айланади.

МЕҲР ЎРНИГА ҲИСОБ-КИТОБ БОШЛАНСА...

Агар манфаатпарастлик оммавий одатга айланса, биринчи бўлиб вайрон бўладиган маскан оила бўлади. Чунки оила меҳр билан яшайди. Ўзбек жамияти асрлар давомида айнан оилавий қадриятлар туфайли мустаҳкам бўлиб келган. Бир уйда бир неча авлод яшаш, қариндош-уруғ доимий алоқада бўлиши, маҳалланинг катта оиладек ишлаши – булар тасодиф эмас, балки ижтимоий хавфсизлик тизими. Агар кимдир ишсиз қолса, қариндоши ёрдам беради, яна кимдир касал бўлса, кўшниси қарашади. Шу маънода, бу

тизимнинг асоси пул эмас, ишонч ва меҳрдир. Аммо манфаатпарастлик кучайган сари бу тизим секин-аста емирилади бошлайди.

Афсуски, бугун айрим ҳолатларда турмуш қуриш ҳам қалблар бирлашуви эмас, шартлар келишувига ўхшаб қолмоқда. Ёшлар бир-бирини эмас, бири-бирининг имкониятини баҳолаётган ҳолатлар учрамоқда. Уйи, машинаси борми, даромади қанча, ота-онаси ким? Албатта, моддий барқарорлик муҳим, аммо у меҳр ўрнини босганида, никоҳ муносабат эмас, инвестицияга айлانган бўлар эди. Инвестиция эса фойда бермаган заҳоти тугатилади.

Бу ҳолат ажралишлар кўпайишига олиб келади. Иқтисодий қийинчилик, ишсизлик ёки турмушдаги муаммолар меҳрга қўрилган оилани синдиришга мумкин, аммо фақат қулайликка қурилган муносабат бундай босимга бардош бера олмади. Кейинги йилларда айрим оилаларда маийш келишмовчиликлар, молиявий муаммолар ёки бегоналашув сабабли ажралишлар муҳокама қилинаётгани фақат статистика эмас, балки маънавий сигналдир. 2025 йилда 55 минг оила бўзилиб, 70 минг бола отасиз ёки онасиз қолгани бу гапларга яққол мисол.

Таассуфки, қариндошлик муносабатлари ҳам ўзгармоқда. Илгари ёрдам бегарз бўларди. Ҳозир ёрдам ҳам ҳисоб-китоб билан берила бошланди. Ким тўйга қанча тўёна қилди, ким қайси маросимга келди ёки келмади – айна шу омилар қариндошлик муносабатларини белгилаб бермоқда. Меҳр ўрнини тўёна дафтарлари эгалламоқда.

Манфаатга асосланган муносабатлар инсонни руҳан ёлғизлатиб қўяди. Катта шаҳарда минглаб одамлар орасида яшаб туриб ҳам, инсон ўзини кераксиз ҳис қилиши мумкин. Ёлғиз қарилар, телефон қўнғирогини кутиб яшайдиган ота-оналар, байрамни сукутда ўтказиб қолган инсонлар – улар шунчаки ғариблар эмас, жамиятда содир бўлаётган манфаатпарастлик эпидемиясининг кўзга ташланаётган яққол қурбонларидир.

Энг ёмони, бу жараён авлоддан авлодга ўтади. Меҳрга тўймаган бола катта бўлган, бошқага меҳр бермайди. Муносабатни ҳам фойда нуқтаи назаридан баҳолайди. Шу тариха, манфаатпарастлик нафақат бугунги, балки эртани ҳам захарлайди. Натижада муқаддас оила кўргони заифлашади. Оиланинг заифлашиши – шахсий муаммо эмас, миллий масала. Оила мустаҳкам бўлса, жамият ҳар қандай инқирозни енгиб ўтади. Оила емирилса, энг бой давлат ҳам маънавий жиҳатдан заиф бўлиб қолади. Меҳр-оқибатга асосланган жамиятда инсон ўзини ҳимояланган ҳис қилади, манфаатга асосланган жамиятда эса ҳар ким ўзини ўзи ҳимоя қилишга мажбур. Биринчиси – жамоа, иккинчиси – одамлар ичидаги ёлғизлар тўдаси.

НИЗОЛАР ИЛДИЗИ ҚАЕРДА?

2018 йили Францияда ёқилги солиқлари оширилишига қарши бошланган намоийшлар кенг ижтимоий норозилик ҳаракатига айланди. Бу "сарик жилетлар" ҳаракати эди. Намоийшчилар ўзларини иқтисодий сиёсатдан энг кўп зарар кўраётган катлам деб ҳисоблашди ва бойлар манфаати устун қўйилаётганини таъкидлади ўшанда. Бу ҳолат иқтисодий қарорлар ортидаги адолат ҳисси қанчалик муҳим эканини кўрсатади.

Манфаатпарастлик қашшоқ ва бой ўртасидаги фарқни чуқурлаштиради. Агар иқтисодий ўсишдан фақат тор доира фойда кўрса, қолган аҳоли ўзини четда қолган деб ҳис қилади. Бу ҳолатни Латин Америкасининг айрим давлатларида ҳам кузатиш мумкин. Масалан, Чилида 2019 йили жамоат транспорти нархининг озгина оши-

ши оммавий намоийшларга сабаб бўлди. Аслида, муаммо фақат тарифда эмас, балки йиллар давомида тўпланган тенгсизлик ва адолатсизлик ҳиссида эди.

Ижтимоий тенгсизлик юқори бўлган жойда жиноятчилик ва зўравонлик хавфи ортади. Чунки инсон ўзини жамиятдан узилган деб ҳис қилса, қоидаларга амал қилишга камроқ мотивация сезади. Буни Бразилия ёки Жанубий Африка каби давлатлардаги катта ижтимоий фарқлар мисолида ҳам кўриш мумкин – бойлар ҳудудлари алоҳида, камбағаллар яшайдиган туманлар алоҳида. Жамият бир ҳудуд ичидики кутбга бўлиниб қолган. Норозилик кучайган сари сиёсий беқарорлик хавфи ортади. Араб давлатларида 2010-2011 йилларда бошланган "Араб баҳори" воқеалари ҳам қисман иқтисодий тенгсизлик, ишсизлик ва адолатсизлик ҳисси билан боғлиқ эди. Кўп йиллар давомида тўпланган норозилик бир неча воқеа сабаб "портлади" ва бутун минтақада сиёсий ўзгаришларга сабаб бўлди.

Лўнда қилиб айтганда, манфаатпарастлик эпидемияси жамиятни нафақат маънавий ва иқтисодий, балки сиёсий жиҳатдан ҳам хавфга қўяди. Агар жамиятда "ҳар ким ўз манфаати учун" деган қоида устун келса, умумий барқарорлиқни сақлаб қолиш жуда қийин бўлади. Чунки одамларни бирлаштирадиган нарса кўр-қув эмас, балки адолатга ишончдир.

КЕЛАЖАККА ДАХЛДОР МАСАЛА

Манфаатпарастлик фақат иқтисод ёки сиёсатда эмас, дин ва диний муҳитда ҳам намоён бўлиши мумкин. Бу ҳолат чиндан хавфли, чунки дин одамлар учун ишонч омили. Шунинг учун манфаат дин ниқобига ўралса, уни фож қилиш ҳам, унга қарши туриш ҳам қийинлашади. Дин шахсий фойда воситасига айланса, маънавий куч эмас, ижтимоий таъсир қуролига айланади. Ана шу ҳолат энг хавфли бўрилишдир.

Бундай ҳолатлар кенг тарқалмаган бўлса-да, баъзан диний билим ёки обрўдан шахсий нуфуз ортириш, ҳаддан ташқари ҳурмат талаб қилиш ёки одамларнинг ишончидан фойдаланишга уринишлар ҳақида муҳокамадан бўлиб туради. Айрим радикал гуруҳлар одамларни "Бизга қўшилмасанг – гуноҳкорсан", деган қараш билан ўз таъсирига олишга уринади. Бундай ҳолатлар Яқин Шарқдаги экстремистик ташкилотлар мисолида ҳам яққол кўрилади. Улар диндан сиёсий ва ҳарбий манфаатларда фойдаланган.

Аслида, бирлаштирувчи куч бўлиши лозим бўлган дин манфаатпарастлик аралашгани туфайли ажратувчи омилга айланади. Масалан, айрим минтақаларда диний шиорлар орқали аҳолини гуруҳларга бўлиш ва таъсир доирасини кенгайтириш ҳолатлари кузатилади. Агар дин билим, ахлоқ ва инсонийлик мактаби сифатида намоён бўлса, жамият мустаҳкамланади. Аммо у куч ёки назорат воситаси сифатида кўринса, радикал қарашлар шаклланади. Айрим экстремистик ташкилотлар ёшларни интернет орқали диний шиорлар билан жалб қилиши барчага маълум. Улар диний билим эмас, солдалаштирилган ва ўз манфаатларига мисол қилишлари тарқатади. Бу эса хавфсизлик муаммосини кун тартибига чиқаради.

Манфаатпарастлик иллати шунчаки ахлоқий муаммо эмас. Бу жамиятнинг келажаги ҳақидаги масала. Инсон фақат ўзини ўйлаб яшай бошлаган жамиятда бойлик кўпайиши мумкин, аммо бахт бўлмайди. Қонунлар бўлиши мумкин, аммо унга амал қилинмайди. Алоқалар бўлиши мумкин, аммо ишонч бўлмайди. "Менга нима фойдаси борми?" деган саволни берувчи кишилар кўпайиб кетган жамият узоққа бормайди. Жамиятни сақлаб қоладиган нарса – умумий манфаатни шахсий манфаатдан устун қўя олиш хислатидир. "Юртга қандай нафим тегиши мумкин?" деган саволни ўзларига бераётган кишилар кўп жамият барқарор ва кучли бўлади. Шу боис, бугун ҳар биримиз ўзимизга шу саволни бериб яшашимиз лозим.

Абдулҳамид МУХТОРОВ,
"Зиё" медиа маркази директори

ТАВАЛЛУД

Ўзбек миллий рақс санъатининг доврғини дунёга таратган санъатимиз дарғалари орасида Ўзбекистон халқ артисти, Давлат мукофоти соҳибаси, "Баҳор" рақс ансамблининг асосчиси ва ташкилотчиси, афсонавий сиймо Мукаррама Турғунбоевнинг алоҳида ўрни бор. Зеро, бу инсон ўз соҳасида мактаб яратган кам сонли санъаткорлар сирасига кирди.

У 1913 йил 31 майда Фарғонада дунёга келган.

Бобоси ва бувисининг қўлида катта бўлган.

1927 йили мактабни битириб, иш фаолиятини Ўзбек давлат мусиқали театр-студиясида бошлаган.

1929–1933 йилларда Мусиқали театр студиясида ўзбек миллий

ҚИРҚ ҚИЗНИНГ МУКАРРАМАСИ

рақси устаси, атоқли педагог Уста Олим Комилов, моҳир раққос ва артист Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, миллий ҳамда эстрада рақслари билимдони Тамираҳоним каби етук устозлардан таълим олган. Студияда таниқли педагоглардан рақс сирларини ўрганиш билан бирга, қўшиқ куйлашни ҳам ўрганган. Кейинчалик Петербург балетининг прима-балеринаси Екатерина Обухова, иқтидорли балетмейстер Илья Арбатов, Александр Томский ва Павел Йоркин бошчилик қилган балет-студияда фаолият юритган.

Ўн олти ёшида саҳнага дадил қадам қўйган Мукаррама Турғунбоева ўзининг том маънодаги миллий рақслари билан шинавандалар эътирофига сазовор бўлди. Ёш раққоса 1929 йили Мусиқали театр артисти Низом Холдоровга турмушга

чиқади. Икки санъат шайдоси оила-сида ўғил фарзанд – Телман Холдоров дунёга келади.

1937–1957 йилларда М.Турғунбоева Ўзбек рақс мактабида педагог сифатида фаолият юритиб, кўплаб шогирдларга мураббийлик қилди. Улар орасида Галия Измайлова, Кундуз Мирқаримова, Гулнора Маваева, Раъно Низомова, Валентина Романова, Тамара Юнусова, Равшаной Шарипова, Маъмура Эргашева, Насиба Мадрахимова, Ўғиллой Мухамедова каби етук санъаткорлар бор. Устоз санъаткор 1957 йилдан эътиборан ўзи ташкил этган "Баҳор" ансамблига йигирма йилдан ортиқ раҳбарлик қилиб, раққосларга бор юрак кўрини, меҳрини бахшида қилди. 1960 йили "Баҳор" Ўзбекистон давлат миллий рақс ансамблига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

нинг 2020 йил 4 февралдаги "Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан Мукаррама Турғунбоева номидаги "Баҳор" давлат рақс ансамбли фаолияти қайта тиклангани маданий ҳаётимизда улкан воқелик бўлди. Ушбу ансамбль устоз руҳини шод этиб, Ўзбекистонда рақс санъатини янада ривожлантириш, моҳир балетмейстерлар, балет артистлари меросини тиклаш билан шугулланмоқда.

Энг муҳими, санъаткорнинг ўзи ижро этган кўплаб рақслар ҳам ўзбек рақсининг гултожи сифатида муҳлислар ва халқимиз ардоғида яшаб келмоқда. "Тановар", "Катта ўйин", "Жонон", "Пилла", "Пахта" каби қатор рақслар ўзбек хореографиясининг "Олтин фонди"дан ўрин олган. Зеро, Мукаррама хонимнинг рақслари шун-

чали ҳаракатлар йиғиндиси эмасди. Ҳар бир ҳаракатида шарқона, ўзбек-кона маъно тажассум этарди. Қўл ҳаракатларида, имо-ишорасида, қарашларида сир яшарди.

Биргина "Тановар"нинг ўзи бир дostonга тенг рақс эди гўё. Зулфия-хонимнинг сўзлари ҳам фикримизнинг далили: "Мукаррамахонимнинг ажойиб асарлари бор. Лекин бу санъаткорнинг жиғаси, менинг назаримда, "Тановар"дир. "Тановар"ни ҳеч ким, ҳеч қачон, ҳеч қерда Мукаррамахонимдек латофат ва назокат, маҳорат ва дардли ҳарорат билан ижро этмаган". Дарҳақиқат, айна кунларда ҳам ушбу рақс гўё Мукаррама Турғунбоевнинг "таширф қозони"дек туюлади. Бу куй янграсса, майда қадамлар ташлаб, юзини рўмоли билан яшириб, уялиб кўзларини олиб қочаётган, куйга мос хиром



айлаётган назокатли Мукаррамахоним кўз олдимизда намоён бўлади. Мукаррама Турғунбоевнинг ҳаёти у яратган рақсларда яшайверади.

Гулчехра УМАРОВА



МОЗИДАН САДО

“Аҳолининг бой табақаси, куйи қатлами аҳолисида, фарқи йўқ, кимнинг хонга арзи бўлса, истаган кунни ҳеч қаршиликсиз хон ҳазрат, яъни Муҳаммад Аминхон ҳузурига бориб, арзини айта олади. Агар дунёвий масала бўлса, хоннинг ўзи ҳукм чиқаради, агар шаръий бўлса, қозикалонга мурожаат қиладилар. Зақотдан ташқари ҳеч кимсадан бирон нарса ундирилмайди, молига тегмайдилар. Зақотни мулкнинг қирқдан бири тарзида оладилар. Олди-сотди муомаласи, солиқ каби соҳаларда зўрлик ишлатилмайди. Хоннинг ўзи шахсан минадиган уч-тўртта оти ва бир хачири бор. Бир неча хос навкарлари хон хизматида туради. Ошхонасининг кечаю кундузги харажати жуда оз миқдорда бўлиб, хон овқат танлаб ўтирмайди, нима пиширилса, шунга қаноат қилаверади. Ортиқча дағдағаси йўқ. Хон либос кийишда бошқа одамлар каби бўлиб, камтарлиги туфайли дабдабали кийимларни ёқтирмайди. Ҳазрат хоннинг фақат бош кийимига фарқ қилиб, қизил мовутдандир. Бошқаларники эса қизил бўлмаган мовутдан...”

Ушбу иқтибос 1851 йили икки қўшни давлат ўртасидаги дўстона муносабатларни барқарорлаштириш, эронлик асир, тутқун-қулларни озод этиш музокаралини олиб бориш мақсадида Эрон ҳукмдори Носириддиншоҳ томонидан Хива хони Муҳаммад Аминхон ҳузурига элчилик мақомида юборилган Ризоқулихон Ҳидоятнинг “Сафаратномаи Хоразм” (“Хоразм сафари кундалиги”) асаридан олинди.

“Хон хазинаси фойдасига тўпланган солиқлардан ташқари аҳолидан йиғиб олинган маблағлар, айниқса, жойларда давлат амалдорлари учун даромад манбаи бўлиб хизмат қилди. Бундан ташқари, давлат амалдорлари ўларига қарашли ерларда деҳқонларни ишлатиб, эксплуатация қилиб даромад олар эдилар. Хон маъмурий суд ишлари ва ҳарбий ишлар юзасидан чексиз деспотик ҳокимиятга эга эди. Хонликдаги суд ишларида ваҳшийлик ва ўзбошимчилик ҳукм сурди. Хон ва унинг амалдорлари оддий халқдан зўрлик билан тортиб олинган турлик солиқ ва бошқа маблағлар ҳисобидан дабдабали ҳаёт кечирарди, фуқароларнинг арз-долларини эшитадиган одам йўқ эди”.

Бу иқтибослар эса 1957 йилда чоп қилинган кўп жилдлик “Ўзбекистон ССР тарихи”нинг иккинчи китобидан келтирилди.

Хўш, ким ҳақ? Хонликдаги ҳақиқий аҳолини ўз кўзи билан кўрган, гувоҳ бўлган Ризоқулихон Ҳидоятни ёки бу даврни орадан бир асрача вақтдан сўнг тарихга рақам қилган тарихчиларми?

Ризоқулихон Ҳидоят оддий амалдор – шоҳ элчисигина эмас, балки машҳур шоир, адиб ва маърифатчи, ношир сифатида ўз замонасида бутун Шарқда таниқли эди. Ўзи бир қатор тарихий асарлар ёзган, девон тартиб берган, ношир сифатида Техронда “Кобунома”, “Тузуки Темурий” каби қимматбаҳо асарларни, Румий, Носир Хисрав девонларни чоп қилганди. Огаҳий ҳазратлари Ризоқулихон Ҳидоят қаламига мансуб кўп жилдлик “Равзат ус-сафойи Носирий” асарини ўзбекчага таржима қилгани бежиз эмас.

КИМ ҲАҚ?



Ризоқулихон ўзига юклатилган масалани ҳал қилиш учун хонликда тўрт ойдан кўпроқ яшайди, бир неча марта хон қабулида бўлади. Бўш вақтлари хонлик аҳолиси турмуш тарзи, иқтисодий ўс-қурмалар, одамларнинг ўзаро муносабатлари, сарой амалдорлари ва оддий халқ ашашлари орасидаги фарқ ва ўхшашликлар, суд тизимини синчковлик билан ўрганайди. Унинг назаридан ҳатто худудда етиштириладиган турли мевалар, пишириладиган таомлар ҳам четда қолмаган.

Энг эътиборли томони, хонликда тутқинликда яшаётган ўттиз минг нафарга яқин эронликларни озод қилиш бўйича хон билан олиб борилган музокара натижасиз тугайди. Хон элчи, ҳам адиб ўлароқ Ризоқулихон Ҳидоят самарасиз ташрифидан пушаймонлик туйгани хонликдаги айрим ҳолатларга билдирган салбий қарашларида акс этади. Аммо, тан олиш керак, у кўрганларини очик-ойдин, ёлгонларсиз қозғога туширади, айрим ҳолатларни ўзаро таққослаб, Хивада адолатли тузум амалиётда эканига тан беради.

Яна мазкур асарда муаллиф ерлик халқ феъл-атвори ҳақида қизиқ маълумот келтиради: “Хоразмда одамларнинг бир-бири билан уришиши, жанжал чиқариши, ўғирлик қилиши, ёлгон гапириши, ясама қасам ичиши ёки олди-сотдида сўздан қайтиши, гирромлик, деган гаплар мутлақо йўқ. Одамлар бир-бирлари билан уришмайдигина эмас, балки овонини баландлатиб, бақир-чақир қилишмайди, десам, муболаға бўлмайди”.

Райятнинг ширинсўз муомаласини бир томондан қонун устуворлиги, иккинчи томондан асрий кадриятлар таъсири, учинчи томондан тарбия ҳосиласи, деб тушунмоқ керак.

...Орадан бир мучал вақт ўтиб хонликка келган венгриялик олим Жерман Вамбери “Ўрта Осиёга 1863 йилги саёҳат” йўлномасида ёзади: “Пешин намозидан кейин хон ташқарига чиқади ва айвонда ўтириб арз тинглайди. Арзга келган хотуну эркак ва болалар хар хил кийимда, ҳатто ярим-яланғоч ҳолда бўлса ҳам хон олдига киргизади. Кирган киши хоннинг олдида жуда яқин бориб, ўзини бемалол тутиб, арзини айтади. Хонга эътироз билдиради, баъзан ҳатто хоннинг бир имоси билан жаллод қўлига тушишини билса ҳам, у билан баҳслашиб қолади...”

Вамбери келган пайтда Ризоқулихон Ҳидоят кўрган, таърифлаган хон вафот этиб, бу орада икки марта хон алмашганди. Аммо, кўришиб турибдики, хон-

нинг райят арзини тинглаш бўйича амалиётда бўлган тартиби ўзгармаган.

Венгриялик машҳур олим ва сайёҳ ўз асарида хон саройидаги кўпгина тартиб-қоидаларга ҳам эътибор қаратган ва уни ажаблантирган ҳолатлар – ҳукмдорлар яшаш тарзида Оврүпада кўрганларни каби ортиқча дабдабозлик, ҳашамат йўқлигини ҳайрат билан баён қилган.

Айни ўша давр – ўн тўққизинчи асрнинг биринчи ярмида хонликка турли мақсадларда келган рус олимлари, сайёҳлари эсдаликларидаги кўпгина ўринлар эронлик ва венгриялик ҳамкасблари йўлномаларига мос тушади.

Хўш шундай экан, кейинги “тарих-ёзарлар”, “зулмор тузум”, “аёвсиз эксплуатация”, “адолатсиз бошқарув”, “сон-саноксиз солиқлардан эзилган халқ”, “суд тизимидаги ваҳшийликлар” каби иборало таърифларни қаердан олди? Мунтазам юритилган ва ҳозиргача бир қисми сақланган хонлик архивидаги ҳужжатлар бу каби ҳолатлар ҳақида гувоҳлик бермайди-ку!

Академик М.Йўлдошевнинг 1959 йил чоп қилинган “Хива хонлигида феодал ер эгаллиги ва давлат тузилиши” асари айнан хон архиви ҳужжатлари тадқиқоти бағишланган бўлса-да, муаллиф шўро мафқураси таъсири, балки босими остида хонлик тузумини бутунлай қора бўёқларда тасвирлаган. Айрим ўринларда асл ҳақиқатлар чала ҳақиқатларга айлантрилиб, рад этиб бўлмас факт ва рақамлар тескари мазмунда шарҳланган. Афсусланарлиси, кейинчалик ушбу таърифу таснифлар бор бўйича мактаб дарслиқларига кўчиб ўтади ва юрт сўраган хону амирлар “олабўжи” қилиб кўрсатилади. Тарихимизни ёзган ўзга миллат вакиллари кўя турайлик, хон замонини кўрган, ҳеч бўлмаганда ота-бобосидан эшитган ўзимизнинг тарихчилар “хоннинг хачир миниши”ни тасаввурларига сиғдира олмагани ажабланарлидир.

Тўғри, хонлик тузумини мутлақ фозилликка номзод, дея олмаимиз. Ҳамма замонлар, барча тузумларда озми-кўпми адолатсизликлар рўй бергани, буларнинг аксари шахслар билан боғлиқлиги бор гап. Инсониятнинг “ўрисиз жамият” тузиш орузи ҳали ҳамон орзулигича қолмоқда. Аммо...

Хонликда ягона қамоқхона – Қўҳна Арк ёнидаги зиндон бор-йўғи ўн беш нафарча жиноятчи мўлжаллангани, аксар вақтларда унда бир-икки маҳжум сақлангани ҳам ҳақиқат. Бу хонликда жиноятчилик камлиги, жазо муқаррарлиги

тамоийли ҳамиша амалда бўлганининг яққол исботидир.

Энди эътиборингизни бошқа бир манбага қаратамиз. “Туркестанский курьер” газетасининг 1911 йил 184-сонида Хива хонлиги бош вазири Исромуҳожанинг мақоласи чоп қилинган. Унда шундай фикрлар бор: “Мен шаҳар хунармандининг ўғлиман, ўз отамнинг изидан бормоқчи эдим. Лекин Худо менга яхши бош берган ва мадрасада менинг қобилиятим кўзга ташланди. Лекин бир ҳодиса менинг тақдиримни бошқа йўлга солиб юборди. 13 яшар болалик вақтимда қишлоқда, тоғамнинг уйда мочом бўлиб тургандим. Бир кунни шу жойга солиқ йиғувчилар келди. Улар келиши билан шундай ҳодисалар бошландики, уларни сўзлаб бериш мумкин эмас. Шу вақтда мен бу даҳшатли солиқ йиғув усулини ўзгартириш учун, қандай бўлса ҳам, “катта амалдор” бўлишга қарор қилдим”.

Исромуҳжа чор ҳукумати хонлигини истило қилган 1873 йилда туғилган. Демак, у 1886 йилларда ўзи гувоҳ бўлган воқеаларни баён қилган. Ризоқулихон Ҳидоят ва Жерман Вамбери таърифлаган “адолатли тузум” наҳот чорак асрнинг нари-берисиде барҳам топган бўлса? Худди шундай.

Маълумки, Хива хонлиги билан чор ҳукумати ўртасида 1873 йил августда тузилган “Гандимён шартномаси”га кўра хонлик босқинчи тарафга ўз даври учун жуда катта бўлган миқдорда тоvon тўлаши белгиланганди. Товон пулини райятдан ихтиёрий йиғиш олоқчи йўқлигиндан куч ишлатишга тўғри келган. Бу зўравонлик билан тоvon пули ундириш тарихимизга “Головачёв киргини” номи билан кирган. Айни шу “куч ишлатиш” асрий қарор топган адолатнинг илдизига болта урган...

Исромуҳжа ота-боболаридан эшитганлари – хонликда асрларки амалда бўлган адолат тамоийлилари барбод бўлгани ҳолатини тилга олмақда. Ўзи амалдор бўлиш орқали ўша адолатни қайта тикламоқчи бўлганини яширмапти. Сайидлар авлодидан бўлган, исломий ва қадим шарқона қадриятлар руҳида тарбия топган инсон бу сўзлари билан мустамлака остида қолган хонликда адолат мезонлари бузилганини афсус билан қайд этмоқда, аслида.

Исромуҳжа кейинчалик жадидлар ҳаракатига қўшилиди, хонлиқни тўла қайта ислоҳ қилиш учун курашади, ўн икки бобдан иборат ислоҳотлар лойиҳасини амалиётга айлантиришга киришади, аммо босқинчилар паноҳида мўмай даромадга мазаҳўрак бўлиб олган бир гуруҳ инсофсиз амалдорлар тазийқиға учраб, 1913 йил августда сирли равишда ўлдирилади.

Кейин юрт бузилади – турли инқилоблар содир бўлади, одамлар “оқ” ва “қизил”ларга ажратилади, ўғил отага, ини акага тиг кўтаради, бир-бировни сотиб жонни асраш русмга қиради. Юрт тарихини ёзган олимлар бевосита ва билвосита гувоҳ бўлганлари – тизимли амалга оширилаётган даҳшатли қатагонлардан кўз юмиб, мозийга сангив кетади ва турли афсоналар тўқийди ҳамда шу афсоналарга оломонни ишонтиради ҳам.

Оқорида бир ўринда олти юз минг нуфузли аҳоли яшайдиган хонликда атиги битта зиндон бўлганини эслатгандик. Қарангки, 1910-1912 йилларда хонликда кўп ўринли алоҳида зиндонга мўлжалланган бино қурилган. Демак, мустамлака даврига келиб жиноятчилик асрий адолатнинг бузилиши туфайли кўпайган.

...Ҳачир минган хонлар эса эртақларда мазаҳланувчи шахслар сифатида гавдалантирилади, холос.

Рўзимбой ҲАСАН

ОЛАМ ОЛИМИ



СТЕНЛИ ПРУЗИНЕР

Машаққатларда муваффақият кўрган нобелчи

Замонавий неврология ва молекуляр тиббиёт соҳасида таниқли олим, Нобель мукофоти соҳиби Стенли Прузинернинг ўрни беқийсдир. Унинг прионлар деб аталувчи янги юқумли биологик омилни кашф этиши нейродегенератив касалликлар ҳақидаги тасаввурларни тубдан ўзгартирди.

ТАРЖИМАИ ҲОЛ

Стенли Прузинер 1942 йил 28 май куни АҚШнинг Айова штатидаги Дес-Мойнс шаҳрида туғилган. Калифорния университетида тиббиёт соҳасида таҳсил олган ва неврология йўналишида илмий фаолият бошлаган. 1972 йилдан буён Калифорния университетининг Сан-Францискодаги кампусида фаолият юритиб келмоқда. Тиббиёт фанлари доктори, профессор. Нейродегенератив касалликлар институти директори. У 350 дан ортиқ илмий мақола, 12 та китоб муаллифи ҳамда АҚШнинг 50 га яқин патентига эга олим сифатида танилган.

Стенли Прузинер 1997 йилда прионларни кашф қилгани ва уларнинг таъсир механизмини тушунтиргани учун физиология ёки тиббиёт бўйича Нобель мукофоти билан тақдирланди.

ФАН ВА САЛОМАТЛИК

Прузинернинг асосий илмий йўналиши прионлар ва уларнинг инсон ҳамда ҳайвон организмига таъсирини ўрганишдан иборат. Прионлар – бу мия тўқимасида оғир бузилишларни келтириб чиқарадиган микроорганизм. Олимнинг тадқиқотлари натижасида прион касалликлари ирсий, юқумли ёки ўз-ўзидан пайдо бўлиши мумкинлиги аниқланди. Бу эса тиббиётда юқумли касалликлар ҳақидаги анъанавий назарияларни кенгайтиришга сабаб бўлди. Прион касалликларида мия тўқимаси “говаксимон” ҳолатга келиб, нерв ҳужайралари зарарланади. Натижада куйидаги белгилар кузатилади: хотиранинг пасайиши, деменция, ҳаракат бузилишлари, уйқусизлик, руҳий ўзгаришлар.

Ҳозирги кунда Прузинер ва унинг шогирдлари прионларнинг молекуляр тузилиши, уларнинг тарқалиш механизми ва бошқа нейродегенератив касалликлар билан боғлиқлигини ўрганиши давом эттирмоқда. Бу тадқиқотлар мия касалликларини эрта аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва самарали даволаш усулларини яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, олимнинг ишлари биотехнология ва фармакология соҳасида янги инновацион ёндашувларнинг шаклланишига туртки берди.

Олимнинг тадқиқотлари нафақат инсон миёси фаолияти сирларини очишга, балки Альцгеймер, Паркинсон ва бошқа оғир касалликларни даволашнинг янги усулларини яратишга ҳам замин яратмоқда.

НОБЕЛЧИ МАЪРУЗАСИ

Маълумки, Нобель мукофоти лауреатлари тақдирлаш маросимида нутқ сўзлайди. Ушбу нутқлар алоҳида китоб ҳолда нашр этилади.

Стенли Прузинер ҳам ўз нуқтаида илм-фан оламига адашиб кириб қолган, оғирнинг устидан, енгилнинг остидан юриб кун утказётган “олимлар” учун ибратли фикрларни келтиради:

“Одамлар мендан кўпича нима сабабдан бунчалик кўп баҳс ва зиддиятларга сабаб бўлган мавзудаги тадқиқотларни қайсарлик билан давом эттирганини сўрашади. Мен уларга одамда шундай жавоб берман: фақат бармоқ билан санокли олимларгагина дастлабки босқичда жуда кам сонли инсонлар тушуниши ва англаши мумкин бўлган бутунлай янги ва фаёқлодда мавзулар ортидан қуввишдек буюк бахт насиб этади”.

Жасмина ИСРОИЛ тайёрлади.

ЖАҲОН АЙВОНИДА


ҲОЙДАЛИ КЕЛИШУВ

Тожикистон, Ўзбекистон ва Қозғоғистон “Баҳри Тожик” сув омборининг 2026 йил июнь-август ойлари учун иш режимини келишиб олди. Ҳукуматлар вакиллари уч томонлама баённома имзолади.



Қозғоғистон сув ресурслари ва ирригация вазирилик вакиллари берган хабарга кўра, ёзда Туркистон вилоятининг Мақтаарал ва Жетисой туманлари деҳқонларини сув билан таъминлаш омборнинг тасдиқланган иш режимига мувофиқ амалга оширилади.

РАҚАМЛИ ҚАМАЛ ТУГАТИЛАДИ



Эрон президенти Масъуд Пезешкиён мамлакатда интернетга уланишни тиклашни буюрди. Бу ҳақда Fars давлат ахборот агентлиги хабар берди.

Ушбу қарор аҳолининг интернетга кириш ҳуқуқини тиклаш учун овоз берган махсус ишчи гуруҳ ҳулосасидан сўнг қабул қилинган. “Рақамли қамал” тугатилишининг аниқ мuddати кўрсатилмаган. Эслатиб ўтамиз, АҚШ ва Исроил 28 февраль куни Эронга қарши уруш бошлагач, ҳукумат глобал тармоққа киришни бутунлай блоклаб қўйганди.

МАДРИД КЎЗЁШЛАРГА ИШОНАДИМИ?

Испания пойтахтида уй-жой ижараси қимматлашгани 20 мингдан ортиқ кишини намойишга ундади. Бу ҳақда Deutsche Welle хабар берди.



Аточа вокзали олдида бошланган намойиш “Уй-жой биз учун қимматга тушмоқда. Нархларни туширин!” шiori остида ўтган. Ташкилотчилар сўзига кўра, беш йил ичиде Мадридда ижара ҳақи 50 фоизга қимматлашган ва ойлик тўлов ўртача 1500 еврога кўтарилган.

МИГРАНТЛАР УЧУН БОЖ ОШИРИЛАДИ



Россия Давлат Думаси келаси ҳафта чет эл фуқаролари учун давлат божларини бир неча баробар ошириш бўйича қонун лойиҳаларини кўриб чиқади.

Куйи палата спикери Вячеслав Володиннинг маълум қилишича, Россия фуқаролигини олиш учун тўлов 12 бараваргача ошади. Вақтинча яшаш учун рұхсатнома 1920 рублдан 15 минг рублгача, яшаш гувоҳномаси эса 6 мингдан 30 минг рублгача кўтарилади. Бундан ташқари, хорижий ишчиларни жалб қилишга рұхсатнома бериш учун божни ҳар бир мутахассис учун 15 минг рублгача ошириш таклиф қилинмоқда.

ЭБОЛА ХАВФИ

Конго Демократик Республикасида Эбола вирусини юқтирилганда гумон қилинаётганлар сони 900 нафардан ошди, 200 дан ортиқ бемор вафот этди. Касалликнинг тарқалиши Конго учун “ўта юқори” даражадаги хавф туғдирмоқда. Бу ҳақда “The Guardian” хабар берди.



Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунёнинг қолган қисми учун хозирча хавф мавжуд эмас. Касалликнинг ҚДР ташқарисига тарқалиш эҳтимоли пастлигича қолмоқда. Шунга қарамай, ушбу эпидемия халқаро аҳамиятга молик фавқулодда вазият деб тан олинган.



МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

Ўзбекистон тарихидаги энг аянчли йўқотишлардан бири – 1938 йилнинг 4 октябрь оқшоми. Халқимизнинг буюк шахслари, миллат тараққийси учун курашган зиёлилари, ойдиллари ва неча юзлаб оиланинг ёстигини қуритган “катта террор” юхоси Саъдуллаҳужа Турсунҳужаев ҳаётини ҳам шафқатсиз домига тортиб кетди.

Саъдуллаҳужа Турсунҳужаев 1891 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Отаси Турсунҳужа Муҳаммадхужаев деҳқончилик ортидан рўзгор тебратар, оиладаги ҳамма дала бошида баравар меҳнат қиларди. Бу пайтда, яъни XX аср бошларида Туркистонда жаҳидлик ҳаракати кучайиб, миллатни илм-маърифат орқали уйғотиш ғояси кенг тарқалаётган, эскича қарашлар билан янги замон ўртасидаги зиддият жамиятнинг ҳар бир қатламида сезила бошлаганди. “Бола қўлига кетмон эмас, китоб тутиш керак”, деган тушунча қарор топаётган палла эди. Шу боис, Саъдуллаҳужани олти ёшида рус-тузем мактабига ўқишга беришди. 11 ёшида Оренбургга – тоғаси ёнига иш юритувчиликка жўнатишди. Турли одамлар, янгича муҳит, савдо-сотих ва идора ишлари билан танишув ўсиригининг дунёқарашини кенгайтирди. 1912 йили акалари савдо фирмаси очаркан, у ерда маошсиз ишлаб, оила тирикчилигига елкадошлик қилди. Кейинчалик жамиятдаги жараёнларга эш, миллат тақдири йўлида куюнчак шахс бўлиб камол топишида бу тажрибалар пойдевор бўлди.

Қаҳрамонимиз 1908 йилдан “Тараққийпарвар” ташкилотига яқинлашиб, жаҳид ҳаракатида фаол иштирок эта бошлади. Абдулла Авлоний, Мунаввар қори Абдурашидхон, Низомиддин Хўжаев каби ойдиллар билан мулоқотлар навқирон йилнинг дунёқарашига кучли таъсир қўрсатди. Ўзи бу ҳақда: “Биз тараққийпарварлар Туркистонда Фарғона областининг Қўқон, Андижон, Ўш шаҳарларида инқилобий тўғараклар ташкил этганмиз, газеталар чиқарганмиз, нашриётлар очганмиз”, деб ёзади.

1916 йили чор ҳукумати маҳаллий аҳолини Биринчи Жаҳон урушининг фронт орти ишларига жалб қилиш ҳақида фармон чиқарган, Туркистон бўйлаб оммавий норозиликлар бошланди. Бу қарор йиллар давомида йиғилган алам ва миллий норозиликни очиб қаршиликка айлантди. Турли ҳудудларда бош кўтарган қўғолончилар сафида Саъдуллаҳужа Турсунҳужаев ҳам бор эди. Аммо кўп ўтмай, у Қўқонда қамоққа олинади ва шу оғир паллада жамоатчилик талаби билан озод қилинади. Бу эса унинг аллақачон халқ орасида нуфузи ортиб бораётганини англатди.

1917 йилги инқилоблардан кейин Туркистонда сиёсий вазият кескин ўзгарди. Ҳокимият учун кураш авж олган, зиёлилар олдига эса миллат келажаги қай йўлдан бориши ҳақида оғир танлов турарди. Турсунҳужаевнинг партия сафига

ТИФ ОСТИДАГИ ТАҚДИР



Саъдуллаҳужа Турсунҳужаев

ўтиши шу мураккаб сиёсий жараёнлар билан боғлиқ эди. Айни шу йиллардан бошлаб у давлат ва жамоат бошқарувида фаол кўриша бошлади. Туркистон ўлкаси Озиқ-овқат халқ комиссарлигининг Москвадаги вакили, Тошкент Эски шаҳар совети ижроия қўмитаси раиси ўринбосари, Туркистон АССР Соғлиқни сақлаш халқ комиссари, Миллий ишлар ва Ташқи ишлар халқ комиссари бўлиб ишлади. Кейинчалик Туркистон Компартияси Марказий қўмитаси котиби, Бухоро Компартияси Марказий қўмитасининг масъул котиби сифатида ҳам фаолият олиб борди. Бухоро Халқ Совет Республикаси Савдо ва саноат халқ нозирини, Туркистон АССР Марказий халқ ҳўжалиги кенгаши раиси ўринбосари, Помир области инқилобий қўмитаси раиси лавозимларидаги фаолияти унинг давлат бошқарувида катта тажриба орттирганини кўрсатади.

1923-1924 йилларда Хоразм Халқ Совет Республикасида Ижтимоий таъминот, савдо ва саноат халқ нозирини, Нозирлар шўроси раиси ўринбосари, Давлат режа комиссияси раиси ҳамда Марказий ижроия қўмитаси раиси вазифаларида ишлади. Сўнгра Хоразм вилояти инқилобий қўмитаси раиси этиб тайинланди.

Туркистонда миллий-ҳудудий чегараланиш ўтказилган, СССР Меҳнат ва мудофаа кенгашининг Ўзбекистон ССР бўйича вакили, Ўрта Осиё сув ҳўжалиги қурилиши ташкилоти бошлиғи, СССР Ер ишлари халқ комиссарлигининг Ўрта Осиё бўйича вакили каби масъул лавозимларида меҳнат қилди. Шунингдек, 1935-1937 йилларда Қозғонистон ССР Сув ҳўжалиги бош бошқармаси бошлиғи сифатида фаолият юритди.

Давлат ва жамоат ишларидаги масъулият тўбора ортиб бораётганига қарамай, Саъдуллаҳужа

жа Турсунҳужаев ўз устида ишларни бир зум тўхтатмади. 1923 йили Ўрта Осиё билим юрти Ижтимоий фанлар факультетига ўқишга кирди. Бироқ ўта мураккаб сиёсий жараёнлар, зиммасига юкланган вазифалар таҳсилни тўлиқ якунлашига имкон бермади.

Таассуфки, мана шундай серқирра фаолият уни қатагон машинасининг нишонларидан бирига айлантди. Буни биз яқинда Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳавфсизлик хизмати архивида сақланаётган ҳужжатлар билан танишиш асносида яна бир бор англадик. 1937-1938 йилларга оид тергов материалларида Саъдуллаҳужа Турсунҳужаев номи қайта-қайта тилга олинади. Улар орасида айрим кўрсатмалар алоҳида диққатни тортади.

Хусусан, 1937 йил 9 октябрдаги сўроқ баённомасида унинг номини “махфий ташкилотлар” ва “чет эл разведкаси” билан боғлашга уринилади. Баённомада ёзилишича, воқеа 1922 йили Бухорода кечган. Бу пайт Бухоро ҳали инқилобдан кейинги беқарор сиёсий муҳитдан чиқиб улгурмаган, терговга тортилган шахс эса ўша вақтда Бухоро Халқ Совет Республикаси ҳарбий нозирини ёрдамчиси вазифасида ишлаган. Сўроқ давомида у бир кунни Саъдуллаҳужа Турсунҳужаевнинг уйда тунаб қолганини айтади. Баён этишича, суҳбатни оддий гаплардан бошлаб, аста-секин сиёсий мавзуларга буради. Тергов талқинига кўра, нозир ёрдамчиси унга “иккимиз ҳам мусулмонмиз”, “миллий қарашларингиз менга маълум” қабилида гаплар айтиб, ишонч муҳитини яратишга уринади. Сўнг гўё Англия ёрдами билан Туркистон мустақилликка эришиши мумкинлиги ҳақида фикр ташлади. Турсунҳужаев бу гапларга эҳтиёткорона муносабат билдириб, “Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши осон иш эмас, бунинг учун узоқ вақт талаб этилади”, дея оғоҳлантиргани қайд этилади ҳужжатда. Бироқ, терговчилар айнан шу жумлаларни кейинчалик “миллатчилик” ва “аксиланқилобий ният” сифатида “дело”га тикиб қўйишади.

Кейинги сўроқларда полковник Фредерик Маршман Бейли номи тилга олинб, Туркистондаги зиёлилар унинг “топширқлари” асосида ҳаракат қилган, деган даъволар ўртага ташланади. Бундан кейинги кўрсатмаларда воқеалар тобора кенгайтирилиб, терговчилар олдиндан тайёрлаб қўйган сценарийга мослаштирилади. Энди гап гўё бутун Туркистон бўйлаб тарқалган “махфий миллатчи тармоқ” ҳақида борарди. Тергов кўрсатмасида полковник Бейлининг Турсунҳужаев, Мунаввар қори ва Турақуллов билан учрашгани ҳақида гап боради. Терговчилар айнан шу нуктага қаттиқ ёпишиб олади. Чунки миллатнинг энг таниқли зиёлилари ва давлат ар-

бошларини бир-бири билан боғлаш орқали катта “аксиланқилобий марказ” ҳақидаги тасаввурни шакллантириш мумкин эди. Айниқса, “Миллий иттиҳод” ва “Иттиҳод ва тараққий” билан боғлиқ тергов материалларида ҳар қандай миллий қараш ёки мустақиллик ҳақидаги фикр атайлаб “буржуа миллатчилиги”, ҳар қандай танқид эса “совет ҳокимиятига қарши қўпуровчилик” сифатида талқин қилингани яққол кўринади.

1937 йил 18 октябрда олинган бошқа кўрсатмалар бу манзарадаги қора рангни янада қуюқлаштиради. Унда “Иттиҳод ва тараққий” ташкилоти Марказий қўмитаси аъзолари сифатида Мунаввар қори Абдурашидхон, Ғулом Икромов, Абдулҳай Тожиев каби кўплаб атоқли шахслар қаторида Саъдуллаҳужа Турсунҳужаев номи ҳам келтириб ўтилади. Тергов материалларида бу ташкилотнинг мақсади Совет иттифоқидан ажралиб чиқиш, Туркистонда “мустақил буржуа республикаси” тузиш ва капитализмни қайта тиклаш бўлгани идрдо қилинади.

1938 йилга келиб, тергов ишлари янада шафқатсиз тус олди. Энди НКВД учун алоҳида шахсларни айбланнинг ўзи етарли эмас эди, улардан “хуфия ташкилот” ҳақидаги тасаввурни яратиш талаб қилинарди. Махбуслар юзма-юз сўроққа тутилиб, таъзиқ остида бир-бирига қарши кўрсатма беришга мажбур қилинарди. Ана шундай сўроқлардан бири 1938 йил 9 апрель кунини Тошкентда Саъдуллаҳужа Турсунҳужаев ва Одил Исломов иштирокида ўтказилди.

Тергов хонасидаги муҳитни тасаввур қилиш қийин эмас: бир томонда ойлаб давом этган сўроқлардан чарчаган, руҳан синдирилган махбуслар, иккинчи томонда ҳар бир жавобдан янги айблов ясашга уринаётган терговчилар. Баённомалар кўринишича, аввал икки махбусининг бир-бирини таниш ё танимаслиги ҳақида расмий саволлар берилди. Ҳар иккиси ҳам 1918 йилдан буён турли совет-ҳўжалик ташкилотларида ишлагани орқали таниш эканини тасдиқлайди. Аммо терговчиларни бу эмас, уларнинг “аксиланқилобий ташкилот” билан боғлиқлигини исботлаш қизиқтиради.

Бўхтонлар охири шу бўлдики, Тошкентда бўлиб ўтган СССР Олий Суди ҳарбий коллегияси сайёб мажлисида Саъдуллаҳужа Турсунҳужаев отувга ҳукм қилинди. Ҳукм ўша кунгича ижро этилиб, миллатнинг яна бир маърифатли, фидойи вакили қурбонга айланади.

Қаҳрамонимизнинг аянчли тақдири беихтиёр шундай нақлни эсга солади: “Фисқу фасод жуда қўлай нарса: бир сўз билан ҳамла қилинади-ю, ҳимоя учун эса қанча-қанча саҳифалар керак”.

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

АЗИЗ ХОТИРА



ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

Мамашариф Каримов – 1882 йили Марғилон шаҳрида туғилган. Эски мактабда ўқиган. Хўнарманд тўқувчи. Марғилон шаҳри Қаландархона участкасида волост бошқарувчиси, шаҳар думаси ва Қўқон мухторияти аъзоси, “Миллий иттиҳод”нинг фаол раҳбарларидан бўлган. Босмачиликда алоқаси бўлганликда айбланиб, 1920 йили Марғилонда факултода комиссия томонидан ҳибсага олинган. Аммо Фарғона вилояти раҳбарияти Шомансур Алихўжаев ва Иномжон Хидиралиев томонидан озод этилган. “Миллий иттиҳод”нинг топшириғи билан партия директивасини бузиб қулоқларни ўз ҳимоясига олганликда, Марғилондаги аксиланқилобий ташкилот “Азадаев”нинг раҳбарлигида шаҳар советига бўлган сайлов вақтида Марғилон кўчалари бўйлаб советларга қарши тарғибот-ташвиқот олиб борганликда, Файзулла Хўжаевнинг мақтаганликда айбланган. Мамашариф Каримов 1937 йил 13 сентябрда Марғилонда ҳибсга олинган. Терговда унга нисбатан бир қанча савол-жавоблар ва қўноқлар қўлланган. 1937 йил 27 ноябрда Мамашариф Каримов аксиланқилобий фаолияти учун 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 13 сентябрдан ҳисобланган.

1939 йил 11 декабрда НКВД Зағнота 3-турмасидаги 204775-сонли махбус Мамашариф Каримов тегишли жойларга 7 марта хат билан муурожаат этган, аммо натижа бўлмаган. 1941 йил 27 майда Давлат ҳавфсизлиги ходими Лисенконинг жавоб хатида Мамашариф Каримовнинг аризаси жавобсиз қолдирилиши, уни 10 йил озодликдан маҳрум қилиш тўғрисидаги қарор ўз кучида қолиши ҳақида хабар берилган.

Жалол Саъдиев – 1901 йили Андижон шаҳрида туғилган. 1929 йил 8 ноябрда Намангандаги “Миллий иттиҳод” ташкилоти аъзоси эканлиги учун ОГПУ ходимлари томонидан ҳибсага олинган. ОГПУнинг 1931 йил 25 апрелдаги қарори билан РСФСР Жиноят кодексининг 58-моддаси 4-, 11-бандлари билан айбланиб, 5 йил концлагерга ҳукм этилган. 1989 йил 30 мартда реабилитация қилинган.

Комилбек Норбеков – 1885 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Эски услубдаги мактабда ўқиган. Кейинчалик ўз ҳисобидан жаҳид мактабини очган. Инқилобгача “Жамияти хайрия”нинг фаол аъзоси эди. 1918 йилгача савдо билан машғул бўлган. 1921 йилдан 1930 йил мартгача Республика халқ маорифи комиссарлиги китоб дўқонида мудирлик қилган.

Комилбек Норбеков Совет ҳокимиятини ағдариш ва “Миллий иттиҳод” аксиланқилобий ташкилотининг фаолиятида иштирок этганликда айбланиб, Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 67-моддаси билан жавобгарликка тортилган.

У уч йил муддатга Фарбий Сибирга сургун қилинган. Қамоқ жазосини Новосибирскда ўтаган. 1933 йили укаси Каримбек Норбеков билан биргаликда сургундан қочган ва Фарбий Хитойга муҳожир бўлиб чиқиб кетган. У ердан 1935 йил бошларида яширин тарзда қайтиб келган. 1935 йил 9 июнда 2 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. Шартли равишда шўшилчинг қамоқдан озод қилинган.

ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги “Учлиги”нинг 1938 йил 22 сентябрдаги қарори билан Комилбек Норбеков 8 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. Жазо муддати ўша кундан ҳисобланган. Кейинчалик 1990 йил 19 февралда у реабилитация қилинган.

Каримбек Норбеков – 1888 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Эски услубдаги мактабда ўқиган. Инқилобга қадар савдогарлик қилган. “Уламо жамияти”, “Шўрои ислом” аъзоси, 1917 йил октябрдан маданий-маърифий соҳа бўйича идорада хизматчи, 1918 йилдан “Миллий иттиҳод” ташкилотининг фаол аъзоси бўлган.

ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги “учлиги”нинг 1938 йил 22 сентябрдаги қарори билан Каримбек Норбеков 8 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. Жазо муддати ўша кундан ҳисобланган. 1990 йили 19 февралда реабилитация қилинган.

Азизбек МАҲКАМОВ,
тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори

Нигорахон АКБАРОВА,
тадқиқотчи

(Давоми келгуси сонда).

ЖАРАЁН

ЖАДИДЛАР ОРЗУСИДАГИ МАКТАБ



Тошкентнинг Эски шаҳар мавзёсида жойлашган Абдулла Қодирий номидаги ижод мактаби юртимиздаги нуфузли таълим муассасаларидан бири сифатида эътироф этилади. 2019 йил 26 декабрда фаолият бошлаган мактабда айни вақтда 210 нафар ўқувчи таҳсил олади. Уларга 30 нафар тажрибали, жумладан, 20 нафар миллий ва халқаро сертификатларга эга олий тоифали педагоглар илғор таълим дастурлари асосида билим бериб келмоқда. Устозлар ҳар бир ўқувчини Янги Ўзбекистоннинг бунёдкорлари сифатида қамол топтиришни олий мақсад қилиб қўйган.

Мактаб биносига киришингиз билан миллий қадриятлар ва анъаналар нафаси сезилади. Ҳар бир ўқувчининг ўзбекана либоси, лутфи ва одоби улғу ёзувчининг “Ўткан кунлар”идаги Отабегу Кумушни ёдга солишини кўриб, мактаб ўзида замонавий таълим ва миллий руҳ уйғунлигини жамлаб олганига гувоҳ бўласиз. Қодирий во-

рисларининг фазилатлари мактабга тез-тез ташриф буюрувчи хорижий меҳмонларнинг ҳам эътиборини тортгани шундан.

Кунни кеча халқаро фан олимпиадасини ўтказиш учун ҳам айнан мазкур ижод мактаби танлаб олинб, юқори синф ўқувчиларининг интеллектуал салоҳияти халқаро экспертлар томонидан мушоҳада қилинди. Шунингдек, меҳмон ижодкорлар мактаб ҳаёти билан қизиқиб, Ўзбекистон Ёзувчилар уюммаси билан ҳамкорликда тез-тез ўтказиб туриладиган маҳорат дарслари ва мушоира кечалари, бошқа ижод мактаблари билан ўқувчи алмашинув дастурлари, замонавий дунё, миллий ғоя ва ватанпарварлик туйғулари асосида ташкил этилган турли тўғарак ва қўшимча машғуллотлар ҳақида ҳам илиқ фикрлар билдиришди.

– *Мактабимизни бошқа ижод мактабларидан фарқлаб турувчи алоҳида жиҳатлар кўп, –* дейди мактаб директори Шоира Содикова. – *Бу ўринда, буюртма асосида келтирилган 86 та махсус ўқув партаси хусусида айтиб ўтмасам бўлмайди. Улар жаҳидлар савий-ҳаракатлари билан ташкил этилган янги усул мактабларида жорий қилинган. Ташриф буюрувчилар мактабимиздаги тарихий экспонатларни кўрганда, ҳайратини яширмайди. Моддий-техник базамиз замон талабларига тўлиқ жавоб беради. 23 синф хонасининг 18 тасида электрон доскалар, 113 дона сўнғеи русумдаги компьютер жамланмалари, медиа тўғарагимиз учун махсус жиҳозланган тасвирга олиш ва овоз ёзиш студияси шулар жумласидан. Ўқувчиларимиз ижодкор эмасми, тез-тез янги лойиҳалар билан киради олдимиз. Уларнинг тақлифлариға таяниб, студияда “Миллат орзуси” номли чораклик таҳлилий-информацион кўрсатув ҳам тайёрланади.*

Мактаб директори билан суҳбатимиз асосида ўқувчи алмашинув дастури тўғрисида батафсилроқ маълумот беришни сўрадик. Дастурга кўра, мактаб ҳар ой бошқа ижод мактаблари билан ўқувчи алмашар экан. Яъни Абдулла Қодирий ижод мактабидан саралаб олинган ўн нафар ўқувчи бир ҳафта давомида вилоятлардан беридаги ижод мактабиде ўқиб келади. Ўз навбатида, ўша ижод мактабининг ҳам ўн нафар ўқувчиси олти ўқув кунига



гардероб хоналари, оёқ кийимлар учун махсус пойабзалхона, ётоқхона ҳовлисига ўрнатилган кўча болохоналар илгари бирор таълим муассасасида ташкил этилмаган. 210 ўринли ошхонада ўқувчининг беш маҳал бепул овқатлантирилиши ота-оналарнинг кўнгилни тўқлайди. Бу ерда устоз-мураббийлардан хизматчиларгача ўқувчи-ёшларга парвона, токи, улар ўқисин, жамиятнинг олди бўлиб майдонга чиқсин.

Албатта, бу каби ғамхўрликлар ерда қолмайди. Ижод мактабининг олий таълим қамрови ўтган ўқув йилида юз фоизни ташкил этган. 2025-2026 ўқув йилида эса етти нафар битирувчи мuddатидан олдин талаба деган номига эга бўлиб улгурди. Яқинда эса 10-синф ўқувчиси Шукрона Шавкатбекова математика йўналишида SAT (АҚШ ва бошқа кўплаб давлатларга ўқишга кириш учун) халқаро сертификатини қўлга кириштиб, 1400 максимал балл билан Янги Ўзбеки-

сон университетига имтиҳонсиз қабул қилинадиган бўлди. Яна шу кунгача ёш қаламқашлардан тўрт нафарининг илк китоблари чоп этилиб, “Қодирий ворислари” деган шарафли номга сазовор бўлди.

Яна бир қувонарли ҳолат, шу мактабда таълим олаётган Абдулла Қодирийнинг эваралари Самариддин ва Нозима Қодирийлар ҳам бугун ижод намуналари билан тенгдошлари орасида кўзга кўриша бошлади.

Ҳар бир таълим даргоҳининг ўз тамойиллари, ўзига хос тарбия татикаси бўлади. Абдулла Қодирий ижод мактабиде ҳам ўқувчилар қобилиятининг қамровини кенгайтириш йўлида яна бир қанча ишлар амалга оширилган. Жумладан, ўқувчилар орасидан ўн нафари сайлаб олинб, “Келажак вазирлари ҳаракати” ички тизими ишга туширилган. Улар мактабдаги экология, спорт, маданият, маънавият каби муҳим йўналишларга мутасадди шахс сифатида фаолият олиб боради. Шунинг баробарида ўзларида бошқарувчилик маҳоратини шакллантиради.

Мактабда Корея Республикасидан чақирилган икки педагог – Хусун Хванг ва Парк Еунбин ҳам фаолият олиб боради. Ўқувчилар улардан нафақат таълим олади, балки Корея тарихи, маданияти, ижтимоий ҳаёти билан боғлиқ суҳбатлар куришади.

Кўрганимиз, кузатганимиздек, улғу адиблар номлари билан аталувчи ижод мактаблари Янги Ўзбекистоннинг илғор таълим масканларига айланб бормоқда. Абдулла Қодирий номидаги ижод мактабиде ҳам ёшлар замонавий электрон ресурслар, интeрактив дарслар орқали олтин авлод сифатида камол топаётгани қувонарлидир.

Муҳайё РУСТАМОВА



“JADID” ГАЗЕТАСИ ЖАМОАСИ ҲАМДА МУАССИСЛАРИМИЗ —

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ,

МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ
ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМОАТ ФОНДИ,

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ,

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ,

“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ” ЖАМОАТ ФОНДИ

Ўзбекистон халқини меҳр ва мурувват байрами — Қурбон ҳайити билан муборакбод этади. Хонадонингиздан файз, барака аримасин, азиз юртдошлар!

КўМАК

Куни кеча Ўзбекистондан Афғонистонга Қурбон ҳайити муносабати билан гуманитар ёрдам юборилгани акс этган бир неча лавҳаларни кўрдим. Балх вилоятининг Хайратон шаҳрида бу ёрдамни топшириш маросими бўлиб ўтган экан. Очигини айтсам, шу хабарни ўқиб, ич-ичимдан қувондим. Илгари ҳам бундай мазмундаги хабарларга кўзим тўшарди. Аммо дарёнинг нариги соҳилида қандай ҳаёт кечаётганини ўз танамда ҳис қилиб кўрмагунимча, бу ёрдамларнинг асл қиймати ва маъносини тўлиқ англамаган эканман.

Биз кўпинча Афғонистон деганда уруш, муҳтожлик, оғир турмушни тасаввур қиламиз. Лекин у ерда ҳам биз билан бир тилда сўзлашадиган, бир қўшиқни эшитиб ҳаяжонланадиган, Навоийни ўқиб қалб тори титрайдиغان ўзбеклар яшайди. Балх, Бағлон, Бадахшон, Андхўй, Маймана, Шибиргон, Ойбек каби ҳудудларда қанчадан-қанча қардошларимиз бор.

Яқинда Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида бўлгани каби Афғонистоннинг шимолий вилоятларида ҳам ҳалокатли сув тошқинлари юз берди. Албатта, биздаги тезкорлик, техник имкониятлар, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходимларининг жасорати ва юқори даражадаги кўникмасини бошқа давлатларда-

ги ҳолат билан таққослаш ўринсиз. Бироқ қўшни мамлакатнинг бундай қўтилмаган офатларга тайёргарлиги унчалик юқори эмаслигини, бунинг устига ўша ҳудудларда ўзбеклар яшашини ҳисобга олсак, юборилган кўмакнинг моҳияти янада равшанроқ намоён бўлади. Ана шундай пайтда қўл узатишнинг ўзи катта гап. Чунки қийин кунда инсон энг аввал ким уни эслаганини унутмайди. Бу кўмак таркибида асосан озиқ-овқат маҳсулотлари ва биринчи тез тиббий ёрдам воситалари борлиги айтилди.

Ўйлаб қарасам, халқимиз азалдан “Қўшнинг тинч — сен тинч”, “Қўшнинг оши тотли”, “Гилам сотсанг, қўшнингга сот”, деган мақолу матал билан яшаган. Айниқса, ҳайит кунларида бу қадрият янада кучли сезилади. Арафада қўшнинг ош чиқариш одатимизнинг ўзи ҳам шунинг ифодаси эмасми?

Ҳайитнинг моҳияти, менимча, фақат “жонлиқ сўйиб, қон-пон чиқариб юбориш”да эмас, балки инсон ўз нафсини, очқўзлигини ва беларволигини ҳам эзгулик йўлида қурбон қилишидир. Агар байрам, аввало, қалбни ўзгартирмаса, унинг шунчаки кундалик маросим ёки одатдан фарқи қолмайди.

Шу маънода, Афғонистондаги ўзбекларга ва у ердаги бошқа муҳтож инсонларга юборилган бу ёрдамни

қардошлик, миллатдошлик ва юксак инсонпарварликнинг рамзи деб қабул қилиш ўринли. Баъзан узундан-узок сиёсий нутқлардан кўра, бир қоп ун ёки бир кути дори кўпроқ маъно англатади.

Афғонистонга бўлган сафаримдан хабардорсиз эҳтимол. Ушанда шу мавзуда ҳам анча гурунглар бўлганди. Бир киши бу ёрдамлар ҳақида илиқ фикрлар билдиргач, менга ҳам бир оғиз гапни юртдошларимга етказиб қўйишни тайинлаганди. Назаримда, ҳозир айни фурсати...

“Сизлар яхши-ёмон кунимизда ёнимизда бўлдингиз, раҳмат. Фалон тўнна ёрдам юборилди, деган хабарлар чиқади — қўллуқ. Аслида, сизлар жўнатган озиқ-овқат билан ҳам, усиз ҳам бир кунимизни кўра-миз, шукур. Лекин бу ерда бошқа гап бор: эътибор, ҳурмат, меҳр... Чунки унинг ортида “Сиз ёлғиз эмасиз”, “Дарё ортидаги ўзбекларни унутмадик”, деган туйғу туради. Биз шунисига қувонамиз. Энди асосий гапга ўтсам, хўш...”

Сўхбат шу нуқтага келганда, отахоннинг фикрини бўлишга мажбурман. Ундан олдин айтадиган икки оғиз сўзим бор. Бу йиғинда, негадир, шу каби ҳамкор давлатларда табиий офат бўлган чоғларда қилинган яхшиликни ҳам гўё ўз чўнтагиндан бераётгандек гапирадиган тармоқдаги “миннатчилар” ҳаёлимдан ўтди, ва

негадир, кўнглим ғаш тортиди. “Ўзимизда ҳам муҳтожлар бор-ку, аввал шуларга ёрдам қилиш керак”, деб ёзганлар ҳам бўлади. Лекин масаланинг бошқа томони ҳақида деярли ҳеч ким лом-мим демайди.

Ҳар йили бир ҳолат такрорланади. Қурбон ҳайитида керагидан ортиқ жонлиқ сўйилади. Кўчаларда қўй ва молнинг калла-пойчаси, терилари “эгамлаб” ётади, ариқлар ифлосланади. Пашша кўпайиб, турли касалликлар тарқалади. Ҳолбуки, Аллоҳ таоло ўз каломиди: “Енглар, ичинглар, аммо исроф қилманглар. Зеро, У исроф қилгучиларни севмас” (Аъроф сураси, 31-оят), деган.

Аммо мана шундай улғу кўнларда биз нима қиламиз? Қўша-қўша ҳашаматли уйлари, қатор-қатор машиналари бор, қорни тўқ, усти бут одамларга эҳсон улашамиз. Тонналаб ош пиширамиз, нафсимиз ҳакалак отиб, дўхтирга шошамиз. Оқибатда бу ноз-неъматларнинг хузурини чиқинди қўтиларини дайди итлар кўргани қолади.

Хўш, энди айтинг-чи, шунча имкониятимиз бор экан, қўшни давлатда сув тошқинларидан азият чеккан муҳтож инсонларга икки қоп ун юбориш адолатсизлики? Қани бунда холислик? Ахир, чин мўмин киши ҳаёти давомида доим бошқаларга яхшилик соғинади. Савобли амалларга етакловчи йўлларни



ахтаради. Чунки эзгулик бандани жаннатга олиб бориши Қуръони Карим оятлари ва Ҳадиси шарифларда жуда кўп бора таъкидланган. Зеро, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам “Сизлардан бирортангиз ўзи яхши кўрган нарсасини биродарига раво кўрмагунча мўмин бўла олмайди”, деганлар (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

Аммо ўшанда Афғонистонда яшаётган ўзбеклар мени жуда уялтирди. Ҳалиги отахоннинг гапининг давоми эса янада таъсири бўлди:

“Сизлар бизга озиқ-овқат юборманглр энди... Биз бугун қотган нон есак ҳам, бир кунимиз ўтади, очдан ўлмаймиз. Сизлар бизга китоб юборинглр... Китобдан юз йиллаб фойдаланамиз. Фарзандларимиз илмли, қалбимиз маърифат нурига ошно бўлади. Қадим Ўзбекистон диёри азалдан илму маърифат маскани бўлган... Бизга китоб юборинглр...”

Ана энди хулоса сиздан...

Шахриёр ШАВКАТ

Jadid
adabiy, ilmiy-maʼrifiy va ijtimoiy haftalik gazeta

Бош муҳаррир:
Иқбол МИРЗО

Муаллиф фикри тахририят фикри билан мос келмаслиги мумкин.

Тахририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 195115 рақам билан рўйхатга олинган.

Масъул котиб: Шухрат Азизов

Навбатчи муҳаррир:
Муҳайё Рустамова

Адади — 18 477
Шундан:
Кирилл ёзувида — 7005
Лотин ёзувида — 11 472
Медиа кузатувчилар — 84 098
Буюртма: Г — 539
Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.
Нашр кўрсаткичи — 222.
Ташкилотлар учун — 223.
1 2 3 4 5 6

Саҳифаловчилар:

Эркин Ёдгоров
Нигора Тошева



Манзилимиз:

Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:

Қабулхона: (71) 203-24-20
Девонхона: (97) 745-03-69
jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17
Jadid_gazetasi@exat.uz

“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонаси.

Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00
Босишга топширилди: 21:30

Сотувда нархи эркин.



www.jadid.uz

Муассислар:



ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ



РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ



МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ
ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ
ВА РИВОЖЛАНТИРИШ
ЖАМОАТ ФОНДИ



“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ”
ЖАМОАТ ФОНДИ